

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

6-сон  
(974)  
2021 йил  
февраль

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## МУНДАРИЖА

### *Биринчи бўлим*

51. «Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 8 февралдаги ўРҚ–670-сон Қонуни
52. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 8 февралдаги ўРҚ–671-сон Қонуни
53. «Халқлар дўстлиги кунини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 10 февралдаги ўРҚ–672-сон Қонуни
54. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 февралдаги ўРҚ–673-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

55. «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги ПФ–6165-сон Фармони
56. «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони
57. «Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги ПФ–6167-сон Фармони
58. «Давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш ҳамда уларнинг салоҳиятини янада ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги ПФ–6168-сон Фармони
59. «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 февралдаги ПҚ–4982-сон қарори
60. «Қоракўлчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги ПҚ–4984-сон қарори
61. «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини янада ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПҚ–4986-сон қарори
62. «Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 февралдаги ПҚ–4992-сон қарори [Кўчирма]

*Бешинчи бўлим*

63. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 9 февралдаги 1-мқ-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик коллежлари ўқувчилари томонидан ўқув ва малакавий амалиётни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 9 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3116-1*)

64. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 9 февралдаги 6-мб-сон «2021 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 11 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3286*)
65. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 9 февралдаги 5-мб-сон «2020 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 11 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3193-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**51 Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2021 йил 29 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 5 февралда  
маъқулланган

**1-модда.** 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 4-модда; 1994 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3-4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 162-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 100-модда, № 12/1, 343-модда; 2014 йил, № 4, 85-модда; 2017 йил, № 4, 134-модда, № 5, 200-модда, № 8, 383-модда; 2018 йил, № 10, 674-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 3, 162-модда, № 9, 588-модда) **117-моддасининг иккинчи қисмидаги** «декабрь» деган сўз «октябрь» деган сўз билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган **«Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»**ги 350–II-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 60-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 12/1, 344-модда; 2012 йил, № 4, 104-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда) **3-моддасининг матнидаги** «декабрь» деган сўз «октябрь» деган сўз билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»**ги

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 февралда эълон қилинган.

617–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 5, 86-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**1) 8-модда:**

**номи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«8-модда. Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш»;**

**биринчи қисмидаги** «Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг бир номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағлари шу партиядан кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинганидан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб varaғига белгиланган тартибда ўтказилади.

Сайловда сиёсий партияларнинг иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган маблағлар сиёсий партия томонидан:

ташвиқот олиб боришга;

номзодларнинг ишончли вакиллари ва ташвиқот ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга;

сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларга сарфланиши керак»;

**2) 16-модда:**

**иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сиёсий партия ҳар йили қонунчиликда белгиланган муддатларда ҳамда тартибда молия органларига, давлат солиқ хизмати органларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига ҳисобот даврида олинган ҳамда сарфланган молиявий ва бошқа маблағлар тўғрисида молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт. Сиёсий партия сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ўзига ажратилган давлат маблағлари юзасидан сайлов кунида оралиқ ҳисоботни, сайлов натижалари эълон қилинганидан кейин эса якуний ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади»;

**бешинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Сиёсий партиянинг молиявий ҳисоботида давлат маблағларининг келиб тушиши ва сарфланиши алоҳида қисмда назарда тутилади. Бунда сиёсий партия томонидан сайловда иштирок этиш учун сарфланган маблағлар алоҳида ҳисобга олинади.

Сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш тўғрисидаги ҳисобот шакли ва уни тақдим этиш муддати Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Сиёсий партиянинг ҳисоботлари унинг расмий веб-сайтида ва босма нашрида эълон қилинади»;

3) **17-модданинг иккинчи қисмидаги** «Қонунчилик палатасига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **18-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан сиёсий партияларнинг молиявий фаолиятини текшириш натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 июнда қабул қилинган ЎРҚ–544-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 6, 327-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **10-модда:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловини ўтказиш бўйича сайлов участкалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловини ўтказиш бўйича сайлов участкалари эса туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан тузилади»;

**тўртинчи қисмидаги** «округ комиссиялари» деган сўзлар «округ сайлов комиссиялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **19-модданинг иккинчи қисмидаги** «етти — ўн беш» деган сўзлар «ўн бир — йигирма бир» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **20-модда:**

**учинчи хатбошисидаги** «комиссияси» деган сўз «сайлов комиссияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Туман, шаҳар (бундан Тошкент шаҳар сайлов комиссияси мустасно) сайлов комиссияси мазкур Кодекснинг 22, 23, 31, 32, 59, 60 ва 95-моддаларида назарда тутилган округ сайлов комиссиясининг ваколатларини ҳам амалга оширади»;

4) **21-модда:**

**биринчи қисмидаги** «маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси эса тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан» деган сўзлар «Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси эса тегишли вилоят, Тошкент шаҳар сайлов комиссияси томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «вилоят Кенгашига» деган сўзлар «вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Халқ депутатлари туман, шаҳар (бундан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши мустасно) Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари тузилмайди»;

5) **22-модда:**

**саккизинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**тўққизинчи — ўн тўртинчи хатбошилари** тегишинча **саккизинчи — ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**ўн биринчи хатбошисидаги** «туман, шаҳар» деган сўзлар «Тошкент шаҳар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **25-модданинг учинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Участка сайлов комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмас, бундан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган участка сайлов комиссиялари мустасно»;

7) **27-модданинг олтинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) қўйидаги мазмундаги **27<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«27<sup>1</sup>-модда. Чет давлатларда турган фуқароларни сайловчилар рўйхатларига киритиш**

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларида сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар бошлиқлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссиялари чет давлатларда турган фуқароларни сайловчилар рўйхати билан танишиш усули, жойи ва вақти тўғрисида хабардор қилади.

Чет давлатларда турган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссияларига уларни сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисида сайловдан ўн беш кун олдин ёзма шаклда ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссиялари чет давлатларда турган фуқароларнинг уларни сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисидаги мурожаатида кўрсатилган шахсга доир маълумотларни текши-

ради ва фуқарони сайловчилар рўйхатига киритиш ҳақидаги масалани ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссиялари сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатига тегишли тузатишлар киритиш учун тақдим этади»;

**9) 29-модданинг:**

**биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:  
«Чет давлатларда турган фуқароларга сайловчилар рўйхатидаги ўзига тегишли маълумотлар билан танишиш имконияти Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари расмий веб-сайтлари орқали ҳам таъминланади»;

**бешинчи қисмидаги** «уч кун» деган сўзлар «беш кун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**10) 31-модданинг олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сайлов бюллетенларини Брайль алифбоси асосида тўлдириш учун трафаретлар тайёрланиши мумкин»;

**11) 32-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларидаги сайловчилар сони ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Марказий сайлов комиссияси сайлов бюллетенларининг тайёрланиши ва етказиб берилишини таъминлайди»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**12) 33-модда:**

**иккинчи қисмидаги** «ўн беш кун» деган сўзлар «ўн кун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кузатувчилар ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларига бориши ҳақида камида уч кун олдин участка сайлов комиссиясини хабардор қилиши керак»;

**13) 41-модданинг иккинчи қисмидаги** «сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**14) 42-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Номзод сайловга қадар вафот этган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлган ёхуд номзодликдан чақариб олинган тақдирда нашр этилган сайлов бюлле-

тенларидан ушбу номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзилган сатр ўчирилади. Муддатидан олдин овоз бериш жараёнида бундай номзодни ёқлаб берилган овозлар участка сайлов комиссиялари томонидан овозларни санаб чиқиш чоғида ҳақиқий эмас деб топилади»;

15) **44-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Қуйидагиларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориши тақиқланади:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг, судьяларнинг;

сайлов комиссиялари аъзоларининг;

диний ташкилотлар профессионал хизматчиларининг.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига ўз мансаб ва хизмат мавқеидан сайловолди ташвиқоти вақтида ҳар қандай сиёсий партиянинг ёки номзоднинг фойдасига ёхуд унга қарши фойдаланиши тақиқланади»;

16) **46-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ташвиқот мақсадида оммавий ахборот воситаларидан бепул фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партияларнинг фикрини инobatга олган ҳолда тегишли сайлов комиссияси томонидан белгиланади»;

17) **48-модданинг иккинчи қисмидаги** «мазкур комиссиялар бу ҳақда сайловчиларни олдиндан хабардор қилади» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

18) **50-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«сайлов қутилари»;

**олтинчи — ўн тўртинчи хатбошилари** тегишинча **еттинчи — ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

19) **51-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларида овоз бериш сайлов куни ушбу сайлов участкалари жойлашган ердаги маҳаллий вақт билан соат 8.00 дан 20.00 гача ўтказилади»;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

20) **54-модда учинчи қисми иккинчи хатбошисининг ўзбекча матни** «овоз бериш» деган сўзлардан кейин «учун» деган сўз билан тўлдирилсин;

21) қуйидаги мазмундаги **56<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«56<sup>1</sup>-модда. Сайловчининг чет давлатда турган жойида овоз бериш**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва чет давлатларнинг ваколатли давлат ҳокимияти органлари билан келишувларга мувофиқ чет давлатларнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларда муддатидан олдин овоз бериш сайловчининг турган жойида ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатдаги дипломатик ва бошқа ваколатхонаси ҳузурида тузилган участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг турган жойида овоз бериш вақти ҳамда жойи тўғрисида қарор қабул қилади ва бу ҳақда сайловчиларни, кузатувчиларни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор этади.

Сайловчиларнинг турган жойида овоз бериш Ўзбекистон Республикасининг чет давлатдаги дипломатик ва бошқа ваколатхонаси ҳузурида тузилган участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида ўтказилади.

Овоз бериш тугаганидан кейин участка сайлов комиссияси аъзолари кўчма овоз бериш қутисини очади, унинг ичидаги сайлов бюллетенларини санамасдан махсус қопга жойлайди, қопни сурғучлайди ва бу ҳақда далолатнома тузади.

Сайлов бюллетенлари солинган қоп сурғучланган ҳолда далолатнома билан бирга сайлов участкасига олиб борилади ва сайлов куни овозларни санаб чиқиш жараёни бошлангунига қадар сақланади»;

**22) 57-модданинг:**

**иккинчи қисмидаги** «тегишли округ сайлов комиссияси» деган сўзлар «Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисмидаги** «ва овоз берувчининг имзоси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**23) 58-модданинг олтинчи қисми** «округ сайлов комиссиясига» деган сўзлардан кейин «халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларига сайловда эса тегишли туман, шаҳар (бундан Тошкент шаҳар сайлов комиссияси мустасно) сайлов комиссияларига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**24) 86-модданинг матнидаги** «ўн кун» деган сўзлар «беш кун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**25) 95-модданинг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Округ бўйича сайлов натижалари округ сайлов комиссиясининг мажлисида аниқланади ва баённомага киритилади. Баённома комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби, бошқа аъзолари томонидан имзоланади ҳамда тегишли сайлов комиссиясига тақдим этилади. Мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун дарҳол участка сайлов комиссияси биносига камида қирқ саккиз соат муддатга осиб қўйилади.

Халқ депутатлари туман, шаҳар (бундан Тошкент шаҳри мустасно) Кенгашларига округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш ушбу моддада

белгиланган тартибда туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан амалга оширилади»;

**26) 96-модда:**

**Биринчи қисмининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказий сайлов комиссияси, вилоят, Тошкент шаҳар сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларининг ўзига келиб тушган баённомалари асосида, туман, шаҳар сайлов комиссияси эса ўзига келиб тушган участка сайлов комиссияларининг баённомалари асосида»;

**олтинчи қисмидаги** «ўн кун» деган сўзлар «беш кун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи қисмидаги** «ўн кун» деган сўзлар «беш кун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**27) 99-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Сайлов комиссияларининг аъзоларига сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир харажатлар сметасида кўрсатилган миқдорда транспорт, овқатланиш харажатларининг ва бошқа харажатларнинг ўрнини қоплаш мақсадида компенсация тўланади.

Сайлов комиссиясининг доимий иш жойига эга бўлмаган аъзоларига, шу жумладан пенсионерларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига мувофиқ иш ҳақи тўланади»;

**28) 100-модданинг иккинчи қисмидаги** «ва бошқа тегишли сайлов комиссиялари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**29) 102-модданинг матнидаги** «ўн кун» деган сўзлар «беш кун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**30) қуйидаги мазмундаги 102<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«102<sup>1</sup>-модда. Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг транспортдан фойдаланиш ҳуқуқи**

Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси аэропортлар ва аэровокзаллар, темир йўл вокзаллари ҳамда станцияларининг расмий шахслар ва делегацияларга хизмат кўрсатиш залларидан текин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси ўз гувоҳномасини кўрсатганидан кейин темир йўл вокзаллари ва станцияларининг чипта сотадиган кассалари, фуқаро авиацияси агентлиги ёки аэропортлар унга поезд вагонидан, самолёт салонидан навбатсиз жой бериши шарт. Марказий сайлов комиссияси аъзоси Марказий сайлов комиссиясининг мажлисига бораётганда унга самолёт чиптаси парвоздан камида икки соат олдин, бошқа ҳолларда эса камида бир сутка олдин берилади».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**7-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 8 февраль,  
ЎРҚ-670-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

# 52 Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2020 йил 24 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 6 январда  
маъқулланган

**1-модда.** 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 4-модда; 1994 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3-4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 162-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 100-модда, № 12/1, 343-модда; 2014 йил, № 4, 85-модда; 2017 йил, № 4, 135-модда, № 5, 201-модда, № 8, 383-модда; 2018 йил, № 10, 674-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 3, 162-модда, № 9, 588-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **7-модда иккинчи қисмининг русча матнидаги** «законодатель-

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 февралда эълон қилинган.

ством, принятым» деган сўзлар «законами, принятыми» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **33-модданинг русча матнидаги** «законодательством» деган сўз «законами» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) **85-модда тўртинчи қисми 8-бандининг русча матнидаги** «законодательством» деган сўз «законодательными актами» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **86-модда бешинчи қисми 8-бандининг русча матнидаги** «законодательством» деган сўз «законодательными актами» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **93-модда биринчи қисми 16-бандининг ўзбекча матнидаги** «қонун ҳужжатлари» деган сўзлар «қонунчилик» деган сўз билан алмаштирилсин;

6) **98-модда учинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «қонун ҳужжатларига» деган сўзлар «қонунчиликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) **100-модда саккизинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «қонунларига» деган сўз «қонунчилигига» деган сўз билан алмаштирилсин;

8) **107-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасида суд тизими Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари ва туманлараро маъмурий судлардан иборатдир»;

9) **117-модда саккизинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «қонунларга» деган сўз «қонун ҳужжатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 8 февраль,  
ЎРҚ-671-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**53 Халқлар дўстлиги кунини белгилаш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2021 йил 27 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 5 январда  
маъқулланган

**1-модда.** 30 июль Халқлар дўстлиги куни этиб белгилансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 10 февраль,  
ЎРҚ-672-сон

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 февралда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**54** Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2021 йил 3 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 5 январда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 13 февралда эълон қилинган.

- 1) **17-модданинг тўртинчи** қисми «127<sup>1</sup>» рақамидан кейин «128<sup>1</sup>» рақами билан тўлдирилсин;
- 2) қуйидаги мазмундаги **128<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«128<sup>1</sup>-модда. Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсга моддий қимматликлар бериш ёхуд уни мулкий манфаатдор этиш орқали у билан жинсий алоқа қилиш**

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахснинг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлгани ҳолда, унга моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш орқали у билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш, —

уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

3) **148<sup>2</sup>-модда иккинчи қисмининг диспозициясидаги** «худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **216<sup>1</sup>-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўша ҳаракатлар вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, — уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

5) **246-модда биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «кучли таъсир қилувчи захарли» деган сўзлар «кучли таъсир қилувчи, захарли» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-мод-

да, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **345-модданинг бешинчи қисмидаги** «216, 217, 222-моддаларида» деган сўзлар «216-моддасида, 216<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи қисмида, 217, 222-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **381<sup>2</sup>-модда биринчи қисмининг 1-бандида:**

«128-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлардан кейин «128<sup>1</sup>-моддасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«214-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлардан кейин «216<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-модда-

лар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар) **51-моддасининг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 12 февраль,  
ЎРҚ-673-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **55** Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Республикада туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, уларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, мақбул ва қулай ички ва халқаро зиёрат туризми муҳитини яратиш, транспорт йўналишларини кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш, туризм маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, мамлакатимизнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз манзил сифатидаги имижини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-6155-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш учун харажатларнинг бир қисмини қайтариш тартиби жорий қилинаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Транспорт вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Қўмита):

а) «Uzbekistan Airports» АЖ ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан биргаликда:

бир ой муддатда ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш доирасида Фарғона — Урганч — Фарғона, Термиз — Урганч — Термиз ҳамда Қарши — Урганч — Қарши авиарейсларини йўлга қўйиш ва Андижон — Хива — Андижон темир йўл қатнови сонини ошириш;

2021 йил 1 апрелга қадар Термиз — Қарши — Хива, Хива — Урганч — Нукус ва Термиз — Қарши — Самарқанд йўналишлари бўйича доимий темир йўл қатновини йўлга қўйиш чораларини кўрсин;

б) Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш учун харажатларнинг бир қисмини қайтариш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган авиарейсларни ва темир йўл қатновларини, шунингдек, Тошкент шаҳридан Бухоро, Нукус, Термиз ва Урганч шаҳарлари ҳамда Фарғона водийсига қатнов йўналишлари бўйича авиарейсларни субсидиялаш назарда тутилсин;

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 февралда эълон қилинган.

в) туроператорлар билан биргаликда субсидиялаш механизмини қўлланган ҳолда бошқа авиа ва темир йўл қатновларини йўлга қўйиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб борсин.

3. Қўмита, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг қўйидаги имтиёз ва преференциялар муддатларини 2021 йил 31 декабрга қадар узайтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

а) туроператорлар, турагентлар, шунингдек, жойлаштириш воситалари учун фойда солиғи ставкасини белгиланган ставкага нисбатан 50 фоизга камайтириш;

б) камида 10 кишидан иборат хорижий туристик гуруҳлар учун Ўзбекистон Республикасида тур ташкил этиш ва уларнинг жойлаштириш воситаларида камида беш кеча тунаб қолиши шарти билан туроператорларнинг авиа ва темир йўл чипталари бўйича харажатларини чипта нархининг 30 фоизи миқдоридан қисман субсидиялаш;

в) туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар бўйича:

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод қилиш;

улар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқни камайтирилган ставкада 1 фоиз миқдоридан белгилаш.

#### 4. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикасидаги йирик моддий маданий мерос объектларида ички туризм оқимларини шакллантириш режаси 1-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида туристлар оқимини шакллантириш ва улар учун зарур шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 2-иловага\* мувофиқ;

Хорижий мамлакатларда Ўзбекистон Республикасининг зиёрат туризми салоҳиятини манзилли тарғиб қилиш чора-тадбирлари режаси 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

#### 5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Наврўз умумхалқ байрами, Мустақиллик кунини ва Янги йил байрами ҳамда Рамазон ҳайити (Ийд ал-Фитр) ва Қурбон ҳайити (Ийд ал-Адха) диний байрамларини нишонлаш даврида қўшимча ва қўчириш ҳисобига ишланмайдиган кунлар уч кундан кам бўлмаган муддатга белгиланади;

ота-оналар, қариндошлар, қариялар ва устозлар билан биргаликда саёҳат қилишни назарда тутувчи беш иш кунидан кам бўлмаган «оилавий саёҳат таътили» тизими жорий қилинади. Бунда, «оилавий саёҳат таътили» йиллик асосий таътил ҳисобидан тақдим этилади ва жамоавий шартномаларга мувофиқ иш берувчининг розилиги билан амалга оширилади;

2021 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслардан жойлаштириш воситасида, улар яшаган ҳар бир кун учун Вазирлар

---

\* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорда туристик (меҳмонхона) йиғим ундирилади. Бунда, туристик (меҳмонхона) йиғим ички туризмни тарғиб қилиш ва рағбатлантириш, туризм мавсуми паст бўлган даврда жойлаштириш воситаларининг бандлигини таъминлашга қаратилган чоратадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади;

хорижий авиакомпанияларнинг Индонезия, Бангладеш ва Малайзия мамлакатларидан хорижий туристларнинг Ўзбекистон Республикасига саёҳатларини ташкил этишга қаратилган ҳамда «Умра+» дастури доирасидаги Ўзбекистон Республикасига авиапарвозлари, кўниш ва учиб хавфсизлиги коидаларидан ташқари, тўсқинликсиз амалга оширилади;

республиканинг туризм намоёиши объектларини кенг тарғиб қилиш, фуқароларни бой табиий, маданий ва тарихий мерос объектлари билан таништириш ҳамда ички туризмни оммалаштиришга қаратилган (тижорат мақсадларни кўзламаган) ахборот маънавият ва маърифат масалаларига доир ахборотга тенглаштирилади.

6. 2021 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан 10 кунлик муддатга ўз ёки учинчи мамлакатга учиб авиачиптасини тақдим қилган Баҳрайн Қиролиги, Қатар Давлати, Қувайт Давлати, Уммон Султонлиги ва Хитой Халқ Республикаси, шу жумладан Хитой Халқ Республикасининг Гонконг ва Макао махсус маъмурий ҳудудлари фуқаролари учун визасиз режим белгилансин.

7. Транспорт-логистика масалаларини тезкор кўриб чиқиш бўйича идоралараро комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) таркиби 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Комиссияга қуйидаги ваколатлар берилсин:

хорижий ва маҳаллий авиакомпанияларнинг туризм ва инвестиция йўналишларида авиапарвозларни ташкил этиш ҳамда фаолиятини амалга ошириш чоғида юзага келадиган низоларни музокаралар ўтказиш йўли билан тезкорлик билан ҳал этиш;

авиапарвозларга рухсат олиш тизимини соддалаштириш, лоукостерларни жалб этиш, парвозлар географиясини «боғлаш» принципи орқали кенгайтиришга тўсқинлик қилувчи муаммоли масалаларни тезкор кўриб чиқиш ва уларни ҳал этиш;

«Очиқ осмон» режими жорий этилган барча аэропортларга янги авиа йўналишлар очиш бўйича хорижий компанияларни жалб этиш, уларнинг лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширишга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш;

аэропортларда қуруқликда хизмат кўрсатиш (ground handling) соҳасини такомиллаштириш, белгиланган нархларни қайта кўриб чиқиш ва мақбуллаштириш орқали инвестицияларни жалб қилиш;

ҳудудлараро йўналишли автотранспорт қатновларини кенгайтириш, янги қатновларни ташкил этиш, шунингдек, ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни тезкор ҳал қилиш чораларини кўриш;

темир йўл транспорти, шу жумладан темир йўл вагонлари ва контей-

---

\* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нерлар орқали ташиш тизимига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш тартибини такомиллаштириш, бу йўналишдаги муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш.

8. Белгилансинки:

хар йили 1 июлга қадар Қўмита томонидан шакллантириладиган рўйхатга асосан туризм намоёиши объектларига олиб борадиган йўллар қуриш ва таъмирлаш учун мақсадли давлат дастурларига киритилади;

2021 йил 31 декабрга қадар туроператорлар, турагентлар ва жойлаштириш воситаларига нисбатан ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун жарималар қўллаш тўхтатилади.

9. Қўмита, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Автомобиль йўллари қўмитаси икки ой муддатда туризм объектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқлари, коммунал ва йўл инфратузилмаларини яхшилаш, туризм инфратузилмаси ва ёндош инфратузилмани қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва модернизация қилиш ишларини олиб бориш, маданий-кўнгилочар инфратузилмаларни ривожлантириш, маданий мерос объектларини реставрация, консервация қилиш ҳамда ободонлаштириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун 1 триллион сўм миқдоридagi маблағларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан тенг улушларда ажратишни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузурида бюджетдан ташқари Қашқадарё ҳудудида туризмни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш ва унга Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан, истисно тариқасида, 200 миллиард сўм ажратиш ва ушбу маблағлар йўналтириладиган мақсадлар назарда тутилсин.

10. Қўмита раисининг амалдаги ўринбосарлари сони доирасида зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича раис ўринбосари лавозими жорий этилсин.

Қўмита ташкилий тузилмасида 2021 йилда режали қисқартирилиши кутилаётган штат бирликлари ҳисобидан 9 та штат бирлигидан иборат Зиёрат туризмни ривожлантириш департаменти ташкил этилсин.

11. Белгилансинки, 2021 йил 1 мартдан бошлаб Ташқи ишлар вазирлигининг масъул шахслари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари ички туризм оқимини ташкил қилиш ва хорижий сайёҳларни жалб қилиш бўйича прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаган тақдирда, уларга Қўмита таклифига мувофиқ мукофот тўланади, прогноз кўрсаткичлари бажарилиши таъминланмаган тақдирда эса, белгиланган тартибда интизомий жазо чоралари қўлланилади.

12. Вазирлар Маҳкамаси (А.Н. Арипов):

бир ой муддатда ички туризм оқимини ташкил қилиш ва хорижий сайёҳларни жалб қилишга оид 2021 йил бўйича асосий прогноз кўрсаткичларини ҳамда ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни тасдиқласин;

ҳар ой якуни бўйича тасдиқланган прогноз кўрсаткичлари юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Транспорт вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда мазкур Фармонга 1 ва 3-иловалардаги объектларга олиб борувчи йўналишли автотранспорт қатнови тизими йўлга қўйилишини, шунингдек, ҳудуддаги аҳолининг бошқа ҳудудга саёҳат қилиши учун транспорт қатновлари ташкил қилинишини таъминласин.

13. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда зиёрат туризми йўналишида тўғри тарғиботни йўлга қўйиш ва зиёрат объектлари ҳақида илмий асосланган маълумотларни тақдим этиш мақсадида, Зиёрат туризмини ривожлантиришни мувофиқлаштириш кенгаши ва унинг фаолиятини ташкил этиш юзасидан Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

14. Қўмита, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб «Ипак йўли» туризм халқаро университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Бухоро ва Термиз давлат университетларида «зиёрат туризми», «транспорт логистикаси» ва «ижодий саноат» (creative industry) магистратура мутахассисликларида кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

15. Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги 2021 йил 1 августга қадар қадимий ипак қоғози хомашё захирасини шакллантириш манбаи сифатида Имом Бухорий мажмуаси атрофидаги 64 гектар ер майдонида тут плантацияси ва Самарқанд ипак қоғозини ишлаб чиқариш бўйича «Ипакчилик шаҳарчаси» туристик мажмуасини ташкил этишни таъминласин.

16. Қўмита Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Фанлар Академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази билан биргаликда уч ой муддатда буюк аллома ва уламоларимиз, айниқса, Имом Бухорийнинг бебаҳо меросини кенг кўламда оммалаштириш ва тарғиб қилиш мақсадида, индонез, бенгал, малай, турк, араб, ҳинд, урду, пушту ва бошқа хорижий тилларда «Имом Бухорий» зиёрат туризми йўлдош телеканалини, хорижий мамлакатларда унинг мухбирлари фаолият олиб боришини назарда тутган ҳолда ташкил этиш ва уни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Самарқанд вилояти ҳокимлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Қурилиш вазирлиги ва Қўмита билан биргаликда икки ой муддатда Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуасини зиёрат марказига айлантириш ҳамда атрофидаги 8 нафар буюк уламоларнинг қабрларини тиклаш ва ободонлаштириш иш-

лари концепциясини, уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Самарқанд вилояти ҳокимлиги Қўмита, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Маданият вазирлиги, Бадий академия ва Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Самарқанд шаҳрида ислом дини, минтақадаги мавжуд дин намояндalари мероси ва моддий маданий мерос объектларини акс эттирувчи тематик хиёбонни яратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

19. Бухоро вилояти ҳокимлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Маданият вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Бухоро шаҳрида ислом дини тарихи ва мусулмон оламида машҳур бўлган шахслар тўғрисида маълумот берувчи инновацион музейни қуриш ва уни ривожлантириш концепцияси бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

20. Қуйидагиларга:

Бош вазир ўринбосари — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А. Абдухакимов зиммасига — ички туризмни оммалаштириш ва зиёрат туризмни ривожлантириш, Дастур доирасида вазирлик ва идоралар томонидан амалга ошириладиган ишларнинг ўз вақтида ижро этилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатиш;

ташқи ишлар вазири А.А. Камилов зиммасига — хорижий мамлакатларда республиканинг туризм салоҳиятини тизимли тарғиб қилиш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш чораларини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари зиммасига — ушбу Фармонга 3-иловада белгиланган хорижий мамлакатларда зиёрат туризми салоҳиятини кенг тарғиб қилиш, улардан республикага авиарейсларни ташкил қилишга ҳар томонлама қўмаклашиш;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси А.Т. Аҳмедов зиммасига — ушбу Фармонга 1 ва 3-иловаларда белгиланган туризм намоийиши объектларидаги масъул раҳбар ва ходимларнинг хизмат ва сервис соҳасидаги билим ва кўникмаларини мунтазам ошириб бориш;

транспорт вазири вазифасини бажарувчи И.Р. Маҳкамов зиммасига — ушбу Фармонга 1 ва 3-иловаларда белгиланган туризм намоийиши объектларига янги транспорт алоқаларини ўрнатиш, маҳаллий ва халқаро авиарейслар географиясини кенгайтириш ва ўз вақтида ташкил қилиш ҳамда «Очиқ осмон» режими жорий этилган барча аэропортларга янги авиа йўналишлар очиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига — ушбу Фармонга 1 ва 3-иловаларда белгиланган туризм намоийиши объектларида зарур инфратузилмани ўз вақтида барпо этиш ва ички туризм оқимини ташкил қилишга оид 2021 йил бўйича асосий прогноз кўрсаткичларини бажариш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

21. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий

ахборот агентлиги мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини тушунтириш юзасидан оммавий ахборот воситаларида мақолалар ва тематик кўрсатувларни ташкил этсин.

22. Молия вазирлиги Қўмита билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Фармоннинг 3-бандида белгиланган солиқ имтиёзлари муддатларини узайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. Қўмита манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги «Хитой Халқ Республикаси, шу жумладан Хитой Халқ Республикасининг Гонконг махсус маъмурий ҳудуди фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасига киришда визасиз режимни белгилаш тўғрисида»ги ПФ–5819-сон Фармони 2021 йил 1 мартдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

26. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 9 февраль,  
ПФ–6165-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 9 февралдаги  
ПФ–6165-сон Фармониغا  
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5969-сон Фармони 16-бандининг учинчи хатбошисида «зарарланган ёки карантинга жойлаштирилган, шунингдек» сўзлари «зарарланиб, карантинга жойлаштирилган» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги

«Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6002-сон Фармонида:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошиси «июндан» сўзидан кейин «2021 йил» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 4-бандда:

«а» кичик банди:

иккинчи хатбошиси «қуриш» сўзидан кейин «қайта таъмирлаш (объектда 80 фоиздан кам таъмирлаш ишлари ўтказилган ҳолатлар бундан мустасно), жиҳозлаш ва бошқа мақсадда қурилган бино ва иншоотларни жойлаштириш воситасига қайта ихтисослаштириш» сўзлари билан тўлдирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»ги ПФ–5780-сон Фармони 25-бандининг «б» кичик бандида белгиланган компенсация тақдим этиш қоидалари мазкур кичик бандга татбиқ қилинмайди»;

«б» кичик бандидаги «31 декабрга» сўзлари «1 мартга» сўзлари билан алмаштирилсин;

«в» кичик бандидаги «кириб келувчи» сўзлари «улар томонидан олиб келинган» сўзлари билан алмаштирилсин»;

«г» кичик бандидаги «2020» рақами «2021» рақами билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 августдаги «Бўстонлиқ туманида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш орқали туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6053-сон Фармонида:

4-банд қўйидаги мазмундаги «д» кичик банди билан тўлдирилсин:

«д) Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хавфсиз туризм жамғармаси («чиқиш туризми» йўналиши бўйича туризм фаолиятини амалга оширувчи туроператор ва турагентлар томонидан захира қилинадиган маблағлар бундан мустасно) ҳамда Тоғли ва олис ҳудудларда туристик инфратузилмани ривожлантириш жамғармасининг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан тушадиган даромадлар бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомда кўрсатилган мақсадлар учун йўналтирилади.»;

18-банднинг биринчи хатбошисидаги «туман» сўзи «эркин туристик зона» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги

ПҚ–2666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомнинг 6-банди қуйидаги мазмундаги хатбошилари билан тўлдирилсин:

«туристик зоналарнинг самарали бошқарувини ташкил қилиш;

туристик зоналар ҳудудида туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур инвестициявий шарт-шароитларни яратиш;

туристларнинг мақсадли тоифалари орасида туристик зоналарнинг салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича маркетинг ишларини олиб бориш;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан ташқари туризм инфратузилмаси объектларини жойлаштириш учун ажратилган салоҳиятли ўрмон фонди ҳудудларини режалаштириш ва лойиҳалаштириш;

республика кинолокацияларини, шу жумладан жамоат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда хорижда тарғиб қилиш».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июлдаги «Туризм соҳасини ривожлантиришда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3129-сон қарорида:

1-бандда «туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари» сўзлари «туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Қуйидагилар вилоятлар ҳокимларининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ҳудудда туризм ва спорт соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, соҳа бўйича қабул қилинган концепция ва дастурларнинг ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни белгилаш;

чет эл мамлакатлари билан туризм соҳасида, айниқса, туристлар оқимини кўпайтириш ҳамда уларни жалб қилиш бўйича ҳамкорлик ва келишувларни ваколатли органлар билан биргаликда амалга ошириш;

соҳани чуқур таҳлил қилиш асосида туристик хизматларга бўлган талабни ўрганиш, бу борадаги мавжуд муаммолар ва тўсиқларни аниқлаш, соҳани ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг мақсадга мувофиқ моделларини ишлаб чиқиш ва келгуси режаларни белгилаш;

туризм соҳасининг иқтисодий, экологик, ижтимоий, маданий ва бошқа йўналишлардаги инфратузилмасини такомиллаштириш ва туризм йўналишидаги диққатга сазовор жойлар, уларни яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш ҳамда амалга ошириш;

кўшимча туризм маршрутларини ишлаб чиқиш, чет эл ёшларини кенг жалб этиш мақсадида кўнгилочар комплекслар барпо этиш, маданий мерос объектларида халқимизнинг тарихи, турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналарини ўзида акс эттирган экспозицияларни ташкил этиш;

туризм ва спорт соҳасида ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш;

туризмни ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича масъул вазирлик, идора ва қўмиталарнинг худудий бошқармалари иш фаолиятини мувофиқлаштириш;

туризм соҳасига замонавий ахборот-коммуникация воситаларини жалб этиш, хорижий туроператорлар ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш орқали республиканинг мавжуд сайёҳлик салоҳиятини кенг ёритиш чораларини кўриш;

жисмоний тарбия-спорт ташкилотларини ташкил этишга кўмаклашиш ҳамда уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

аҳоли ўртасида спорт нормативларини топшириш бўйича ишларни ташкил этиш;

оммавий жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ташкил этиш ҳамда ўтказишга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш ишларини мувофиқлаштириш;

тегишли худудда жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни таъминлаш;

ҳаваскорлик жисмоний тарбия-спорт ҳаракатини ривожлантириш учун фуқароларнинг иш жойи, яшаш жойи ҳамда дам олиш жойида шарт-шароитлар яратиш;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт учун мўлжалланган товарлар ишлаб чиқарилишини ташкил этишга кўмаклашиш чораларини кўриш.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси вилоятлар ҳокимларининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарларининг фаолиятини мувофиқлаштиради»;

3-бандда «туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг» сўзлари «туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3510-сон қарорида:

3-илованинг изоҳидаги «103» рақами «94» рақами билан алмаштирилсин;

За-илованинг изоҳи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«\* *Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони — Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларида 25 нафар, Тошкент шаҳрида 24 нафар.*

*Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони ўрнатилган меъёрларга мувофиқ белгиланади.*

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 июндаги «Ипак йўли» туризм халқаро университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3815-сон қарорида:

қуйидаги мазмундаги 15<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«15<sup>1</sup>. Белгилансинки, «Ипак йўли» туризм халқаро университети бўлим бошлиқлари, марказ ва дирекция раҳбарлари, бош юрисконсулти, бош аудиторлари, матбуот котиби, бош ҳисобчи мос равишда олий таълим муассасасининг факультет декани ўринбосари базавий лавозим маошига, бўлим бошлиқ ўринбосарлари мос равишда олий таълим муассасасининг катта ўқитувчи базавий лавозим маошига, бош мутахассис, бош иқтисодчи, психолог, маркетинг мос равишда олий таълим муассасасининг ўқитувчи ва етакчи мутахассиси, услубчилар, илмий тадқиқот ишлари бўйича муҳандислар, кабинет мудири, ўқув ишлаб чиқариш маркази супервайзерлари мос равишда олий таълим муассасасининг ўқитувчи-стажер базавий лавозим маошига тенглаштирилади»;

3-илова қуйидаги мазмундаги 8-позиция билан тўлдирилсин:

«Э.М. Мухитдинов — Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари».

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги «Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4229-сон қарори 5-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасига туристик (меҳмонхона) йиғимидан келиб тушадиган тушумларнинг 10 фоизи».

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4332-сон қарори 4-бандининг учинчи хатбошисидан «вилоятларда (Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларидан ташқари) ҳамда Тошкент шаҳрида ва» сўзлари чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги ПҚ–4742-сон қарори билан тасдиқланган Ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатининг 60-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«60. Гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчилар хизматлари».

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4755-сон қарорида:

5-банднинг «в» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ туризм соҳасидаги давлат активларини сотишдан тушган маблағларнинг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тақсимланадиган қисми Бюджетдан ташқари жамғармага Ўзбекис-

тон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомда кўрсатилган мақсадлар учун йўналтирилади»;

9-банднинг тўртинчи-бешинчи хатбошилари қуйидаги мазмундаги тўртинчи — еттинчи хатбошилари билан алмаштирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг битта штат бирлигини қисқартириш ҳисобига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимини жорий этиш тавсия этилсин.

Белгилансинки:

мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган лавозимларга номзодлар Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосари — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси тақдимномасига асосан белгиланган тартибда тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

мазкур банднинг иккинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган лавозимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартларига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарларига тенглаштирилади»;

1-иловининг матни\* қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

---

\* 1-илова матни «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**56 Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Сўнги беш йилда замонавий бошқарув услубларини амалиётга жорий этиш, назорат қилиш ва ижрони текшириш шаклларини такомиллаштириш, талабчанликни кучайтириш борасида амалга оширилган муайян ишлар ва давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда ҳудудлар ҳокимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича қатъий чора-тадбирлар мураккаб шароитларда давлат қурилишининг серқирра вазифаларини амалга ошириш, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни чуқурлаштиришни таъминлаш, республикани барқарор ҳамда жадал ривожлантириш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, танқидий таҳлиллар ижро интизоми самарасиз даражада эканлигидан далолат берадиган кўплаб ҳолатлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, биринчи — киритилаётган ҳужжатлар лойиҳалари етарлича иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаяпти; иккинчи — давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташкилий ҳамда назорат фаолиятининг шакллари ва услублари такомиллаштирилмаган; учинчи — қабул қилинаётган ҳужжатларнинг мазмуни ва аҳамияти мансабдор шахслар томонидан етарли даражада ўрганилмапти, шунингдек, ушбу ҳужжатларни, айниқса, аҳоли ва кенг жамоатчилик ўртасида тушунтириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар мавжуд эмас; тўртинчи — шахсий сўров ва қатъий талабчанлик ўрнига кўплаб маълумотномалар ва маълумотлар тўпланмоқда, шунингдек, масъулиятсиз раҳбарлар, бошқарувнинг ўрта ва қуйи бўғинлари мутахассисларига нисбатан либерал муносабатда бўлинмоқда.

Айрим Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, вилоятлар, айниқса, туман ва шаҳарлар ҳокимлари кўрсатиб ўтилган ва бошқа камчиликларни бартараф этишни тегишли даражада тезкор, қатъий ва самарали таъминламаяпти. Шу сабабли, мамлакатни, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани, шунингдек, ҳудудларни жадал ривожлантириш борасидаги бир қатор устувор ва истиқболли вазифаларни амалда ҳал қилиш бўйича қўшимча шошилиш чоралар кўриш, шу жумладан захиралар ва бюджет маблағларини топиш талаб этилмоқда.

Қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш ва мониторинг қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш, мамлакат Олий Мажлисига 2020 йил 29 декабрдаги Мурожаатномада, шунингдек, 2016 — 2021 йилларда тасдиқланган тармоқ ва ҳудудий ривожланиш

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 11 февралда эълон қилинган.

дастурларида белгиланган мақсадларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталари раислари ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари эътибори улар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарори талаблари ўз вақтида, аниқ ва тўлақонли амалга оширилиши юзасидан таъсирчан чоралар кўрилмаганлигига қаратилсин.

2. Қўйидагилар:

қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари (кейинги ўринларда — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар) бажарилишининг таъсирчан тизимини яратишда жиддий камчиликларга йўл қўйганлиги, ижро интизомини сусайтириб юборганлиги ва кадрларга нисбатан талабчанлик қилмаганлиги учун соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, олий ва ўрта махсус таълим вазирлари, айрим давлат қўмиталари ва агентликлари раҳбарлари, шунингдек, 25 та туман ва шаҳарлар ҳокимлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги;

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг қарори билан давлат бошқаруви органлари ва Ҳукумат аппарати таркибий бўлинмаларининг бир қатор раҳбарларига интизомий жазо чоралари қўлланилганлиги, шу жумладан «хайфсан» эълон қилинганлиги, уларнинг айримлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни пухта ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг таъсирчан амалиётини шакллантириш, уларни аниқ ижрочилар, кенг жамоатчилик ва аҳолига тезкор етказиш, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш, жорий, ўрта муддатли ва истикболдаги вазифаларни самарали амалга ошириш бўйича шошилинч ҳамда тезкор чоралар кўриш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигининг ташкилий, ижро ва назорат фаолиятининг ягона тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

4. Қўйидагилар:

қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларининг амалга оширилиши бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш тартиби 1а — 1д-иловаларга\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати, давлат бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Рес-

---

\* 1а — 1д-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

публикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликларида ишларни ташкил қилиш ва ижро интизомини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишларини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага\* мувофиқ;

«Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларининг ижроси бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш схемаси 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари ушбу Фармонга 1 — 3-иловаларда белгиланган талабларнинг сўзсиз, ўз вақтида ва натижали бажарилиши учун шахсан жавобгар эканлиги тўғрисида огоҳлантирилсин, бунда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича қуйидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

биринчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар лойиҳалари тайёрланиши устидан шахсий назоратни ташкил этиш, уларнинг пухта иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини, ваколатли давлат бошқаруви органларида ўз вақтида келишилишини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бўлинмаларида ва Бош вазир ўринбосарлари ҳузурида ҳимоя қилинишини таъминлаш;

иккинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижрочиларга тезкор етказилиши, шу жумладан уларда қўйилган вазифаларнинг моҳияти ва аҳамияти кенг жамоатчилик ва аҳоли ўртасида тушунтирилиши, назорат бандлари ва топшириқларда аниқ механизмлар, муддатлар ва масъуллар белгиланиши бўйича «йўл хариталари» (ҳаракат режалари) ўз вақтида ишлаб чиқилиши устидан шахсий назоратни таъминлаш;

учинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси амалда назорат қилинишини шахсан ташкил этиш, бунда марказий аппаратларда, тармоқ ва ҳудудий давлат бошқаруви органларининг ўрта ва қуйи бўғинларида ишларнинг реал ҳолатини танқидий ўрганишга, эришилган пировард натижаларга, камчиликлар ва муаммоларнинг сабабларига, фойдаланилмаган захираларга, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва ҳокимликларнинг ташкил этиладиган электрон маълумотлар базаси асосида «Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида (кейинги ўринларда — «Ijro.gov.uz» тизими) ўз вақтида ҳисобот берилишига алоҳида эътибор қаратиш;

тўртинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг моҳияти ва аҳамиятини ҳамда уларни амалга ошириш юзасидан қабул қилинаётган чоратадбирларни тушунтириш мақсадида оммавий ахборот воситаларида шахсий фикр-мулоҳазаларини билдириш, жамоат ташкилотлари ва маҳаллаларда учрашувлар ўтказиш, шунингдек, ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгаши сессияларида ҳисобот бериш амалиётини жорий этиш;

бешинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ўз вақтида,

---

\* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тўлиқ ва натижали ижро этилиши шахсан танқидий таҳлил қилинишини таъминлаш, олдинга қўйилган вазифаларни амалга ошириш ва мўлжалланган мақсадларга эришиш. Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани, шунингдек, ҳудудларни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларини талаб этадиган муаммоли масалалар бўйича ҳар томонлама асосланган таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш.

6. Бош вазир ўринбосарлари, давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари бир ҳафта муддатда ушбу Фармон талаблари сўзсиз ва ҳар томонлама амалга оширилиши юзасидан аниқ ҳаракатлар режалари пухта ишлаб чиқилишини ва коллегиял органлар мажлисларида тасдиқланишини таъминласинлар.

Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда аниқ вазирликлар ҳамда вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари мисолида давлат органлари ва ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликларида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Адлия вазирлигига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш юзасидан, шу жумладан Ҳисоб палатаси билан биргаликда соҳалар, ҳудудлар ва идоралар кесимида манзилли ва тематик таҳлилий ўрганишларни олиб бориш ва жойлардаги ҳолат мониторингини юритиш;

оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва ташкилотларининг қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш борасидаги фаолиятини «Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда» рукни остида жамоатчилик назорати воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда, шу жумладан «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ва «Тараққиёт стратегияси» маркази иштирокида ёритиш ва муҳокама қилиш ишларини ташкил этиш ва янада жадаллаштириш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг амалда бажарилишига тўсқинлик қилаётган муаммолар ва омилларни аниқлаш, уларни ҳал этиш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар олдига аниқ масалаларни қўйиш, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, соҳага хос бўлмаган, такрорланувчи вазифа ва функцияларини қисқартириш, уларда ортиқча қоғозбозлик ва мажлисбозликка йўл қўймаслик юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларига қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси юзасидан ҳуқуқий-услубий кўмаклашиш, уларнинг тегишли бўлинма раҳбарларини ижро интизомига риоя этилиши бўйича ўқитишда иштирок этиш.

8. «Ijro.gov.uz» тизими орқали қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилишнинг мазкур Фармонга 3-иловада келтирилган тартибга мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи мутлақо янги тизими жорий қилинсин:

а) Адлия вазирлиги:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ўз вақтида ижро этилишининг «Ijgo.gov.uz» тизимида назоратини олиб боради ва «Ijgo.gov.uz» тизимини юритади;

«Ijgo.gov.uz» тизимида назоратга олинadиган топшириқларни киритади, мазкур топшириқлардан келиб чиққан ҳолда масъул ижрочилар ва бажариш муддатларини белгилайди, улар томонидан киритилган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда белгиланган ижро муддатларини узайтириш ҳақидаги таклифлар асослилигини ўрганади;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолати тўғрисидаги маълумотни ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради.

Белгилансинки, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан «Ijgo.gov.uz» тизимига зарур маълумотларни ўз вақтида киритмаслик ёки нотўғри маълумотларни киритиш, шунингдек, бу борада Адлия вазирлиги кўрсатмаларини ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаслик қонунчиликка мувофиқ интизомий, маъмурий ва бошқа жавобгарлик чораларини қўллаш учун асос бўлади;

б) Вазирлар Маҳкамаси:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар Вазирлар Маҳкамаси тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан ўз вақтида ижро этилишининг «Ijgo.gov.uz» тизимида назоратини олиб боради, ҳар ойда Раёсат мажлисларида уларнинг ижроси натижадорлигини кўриб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тегишли таклифлар билан биргаликда умумлаштирилган маълумот киритади;

«Ijgo.gov.uz» тизимида Вазирлар Маҳкамаси тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар — масъул ижрочилар томонидан киритилиб, Адлия вазирлиги томонидан текширилган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда белгиланган ижро муддатларини узайтириш ҳақидаги Адлия вазирлиги томонидан кўриб чиқилган таклифлар асослилигини ўрганади;

в) Ҳисоб палатаси:

«Ijgo.gov.uz» тизимида масъул ижрочилар томонидан киритилиб, Адлия вазирлиги ва Ҳукумат томонидан текширилган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади ҳамда уларни назоратдан ечади;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда белгиланган ижро муддатларини узайтириш ҳақидаги Адлия вазирлиги ва Ҳукумат томонидан кўриб чиқилган таклифлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига хулосаларни киритади;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолати бўйича ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб боради;

г) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси: қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

зарурат бўлганда, назоратдан ечилган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни қайта назоратга қўяди, уларнинг айримларини алоҳида назоратга олади (назоратдан фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан ечилади);

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда белгиланган ижро муддатларини узайтириш ҳақидаги таклифлар бўйича Ҳисоб палатаси томонидан берилган хулосаларни кўриб чиқади;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро этилишини ташкил этиш борасидаги фаолият самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларининг ижро интизомини таъминлашдаги масъулиятини кучайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиб боради;

д) Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий даражадаги ташрифлари давомида имзоланган ҳужжатлари ва инвестиция лойиҳалари бўйича топшириқлар ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 августдаги ПФ-6042-сон Фармонида белгиланган тартибда амалга оширилади.

9. Олий Мажлис палаталарига қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг ижро ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини, шу жумладан амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳоли турмуш тарзига таъсирини жойларга чиққан ҳолда ўрганиш, уларнинг натижадорлигини таъминлаш бўйича парламент назоратини тизимли ташкил этиш тавсия этилсин.

10. Адлия вазирлиги тизимидаги штат бирликларининг мақбуллаштирилладиган қисми ҳисобидан қуйидагилар ташкил этилсин:

Адлия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида 15 та штат бирлигидан иборат Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини назорат қилиш бошқармаси;

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида жами 28 та штат бирлигидан иборат Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини назорат қилиш бошқармасининг ҳудудий бўлимлари.

11. Белгилансинки:

2021 йил 1 апрелдан бошлаб, барча республика даражасидаги давлат органлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ижро интизомига масъул бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масалалари мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Ижро интизомини таъминлаш шўъбаси билан келишилади;

2021 йил 1 майдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ижронини назорат қилиш, назорат картотекаларини юритиш ва ҳисоботларни шакллантириш фақат «Ijro.gov.uz» тизимида амалга оширилади;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича йиллик манзилли ва тематик таҳлилий ўрганишлар дастури Адлия вазирлиги томонидан Ҳисоб палатаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар таклифлари асосида ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан тасдиқланади.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат хизмати ва ҳокимият вакиллик органлари билан ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмаси 2021 йил 15 мартга қадар мазкур Фармон талабларини инобатга олган ҳолда, давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари аппаратларининг раҳбарлари ва мутахассисларини ўқитиш, малакасини ошириш, шунингдек, стажировка ҳамда амалий семинарлар ўтказишни ташкил этиш юзасидан ягона тизимни йўлга қўйиш бўйича комплекс чораларни ишлаб чиқсин.

13. Адлия вазирлиги:

бир ой муддатда «Ijro.gov.uz» тизими фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича;

икки ой муддатда амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ўз вақтида ва натижали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

15. Ушбу Фармон ижроси 2021 йил июль ва 2022 йил январь ойларида кўриб чиқилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 10 февраль,  
ПФ-6166-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**57 Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6096-сон Фармонига мувофиқ ҳамда иқтисодиётга хусусий инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштириш мақсадида:

1. Халқаро консалтинг, аудиторлик ва инвестиция маслаҳатчилари, инвестиция банклари ва бошқа ихтисослашган компанияларни (кейинги ўринларда — профессионал ташкилотлар) жалб этган ҳолда давлат активларини хусусийлаштиришнинг замонавий усулларини жорий этиш амалиёти бошланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ мазкур Фармоннинг 1 ва 2-иловаларида\*\* кўрсатилган давлат активларини оммавий савдоларга қўйишда ва уларни сотиш жараёнларини ташкил этишда:

профессионал ташкилотларни жалб этиш Давлат активларини бошқариш агентлиги ёки «UzAssets» инвестиция компанияси томонидан энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида амалга оширилади. Бунда, улар билан тузиладиган шартномаларни экспертизадан ўтказиш талаб этилмайди;

профессионал ташкилотлар томонидан давлат активларини сотиш мақсадида аниқланган қиймат ёки қийматлар оралиги (баҳолаш фаолиятининг миллий стандарти талабларидан қатъи назар) савдо жараёнида мўлжал сифатида ҳисобга олинишига рухсат берилади;

баҳолаш ташкилотининг баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботида тавсия этилган ва унинг экспертиза хулосасида аниқланган нархни давлат активининг бошланғич нархи сифатида мажбурий белгилаш тўғрисидаги талаб амал қилмайди;

Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясига давлат активларининг бошланғич нархини эълон қилмаган ҳолда сотиш тўғрисида эълонлар бериш ҳамда 2 тадан кам бўлмаган таклифлар орасида энг яхшиси асосида сотиш бўйича қарорлар қабул қилиш ваколати берилади (баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда тавсия этилган ва экспертиза хулосасида аниқланган нархдан қатъи назар).

3. Давлат активларини бошқариш агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 августга қадар давлат мулкини хусусийлаштиришда баҳоловчи ташкилотларни танлаш, уларнинг хизматла-

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 12 февралда эълон қилинган.

\*\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ри қийматини аниқлаш ва тўлашнинг энг яхши тижорат таклифларини танлаб олиш тартибини жорий этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва жавобгар этиб Бош вазирнинг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиқов белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 11 февраль,  
ПФ-6167-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 11 февралдаги  
ПФ-6167-сон Фармонига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги «Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5666-сон Фармони 4-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ёки Давлат тендер комиссиясининг қарори билан бошқача тартиб ўрнатилмаган бўлса, давлат мулки объектларини (акциялардан ташқари) сотиш бўйича савдолар «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида амалга оширилади;».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5887-сон Фармонининг 9-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси, Ўзбекистон футбол федерацияси таклифлари асосида профессионал футбол клублари устав фондидаги давлат улушини ишончли бошқарувга бериш ёки бошқа ташкилот ва идораларга ўтказиш ҳуқуқи берилсин».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 июлдаги «Бўш

турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4771-сон қарорининг 8-банди «в» кичик банди «давлат муассасаси шаклидаги» сўзларидан кейин «бюджет ташкилотига тенглаштирилган» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6044-сон Фармонига 5-илованинг 43-позицияси «Ижро муддати» устундаги «2020 йил 1 декабрь» сўзлари «2021 йил 1 август» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6096-сон Фармонида:

а) 10-банднинг «г» кичик бандининг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

б) 12-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «мазкур Фармоннинг 4-илова-сидаги» сўзлари «хусусийлаштирилиши белгиланган» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 13-банднинг биринчи хатбошисидаги «уч ой муддатда» сўзлари «2021 йил 1 июлга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 15-банднинг иккинчи хатбошисидаги «2020 йил 1 декабрга қадар» сўзлари «2021 йил 1 июнга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 20-бандда:

учинчи хатбошидаги «2020» рақами «2021» рақами билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «уч ой муддатда» сўзлари «2021 йил 1 июнга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 5-иловадан «\*\* Объектлар мулкий мажмуа сифатида барча мавжуд мол-мулки баҳоланган ҳолда савдога чиқарилади» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 июлдаги ПҚ–423-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкани сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси тўғрисидаги низомда:

а) 1-банддаги «Вазирлар Маҳкамаси қарорлари» сўзи «Хукумати ҳужжатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-бандда:

қуйидаги мазмундаги ўн тўртинчи — ўн еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«корхоналар соф активларининг давлат акция пакетлари (улушлари)-га нисбатан пропорционал қиймати 100 млн сўмдан ошмаса, соф активларининг пропорционал улушига тенг (соф активлари устав капиталидан кам бўлганда номинал) қийматда жамият қатнашчиларининг сотиб олишдаги устунлик ҳуқуқини қўлламаган ҳолда оммавий савдоларга қўйиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

давлат активларини оммавий савдоларга чиқаришда уларнинг бошланғич нархини (баланс, номинал қийматларида, фонд биржаси котировкаси бўйича, соф активлари қийматида ёки давлат активлари баҳоланган нархининг 70 фоизгача пасайтирилган миқдорида) белгилаш;

давлат унитар корхоналарини хусусийлаштириш мақсадида хўжалик жамиятларига ўзгартиришда корхонанинг мол-мулклари ва мажбуриятларини хатлов ҳамда баҳолашни ўтказмасдан, уларнинг устав капитали миқдорини солиқ органларига топширилган охириги бухгалтерия баланси маълумотлари асосида соф активлари қийматида, соф активлари манфий бўлган тақдирда, корхона устав капитали миқдорида белгилаш;

давлат активларини устав капиталига бериш орқали хусусийлаштириш ёки давлат иштирокидаги корхоналарнинг бошқарув органлари қарорлари асосида уларнинг носоҳавий активларини давлатга бериш орқали улардаги давлат улушларини камайтириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш.»;

ўн тўртинчи — ўн тўққизинчи хатбошилари тегишинча ўн саккизинчи — йигирма учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4112-сон қарорида:

- а) 1-иловининг матни\* қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
- б) 2-иловининг матни\* қўйидаги таҳрирда баён этилсин.

---

\* 1-2-илова матнлари «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**58 Давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш ҳамда уларнинг салоҳиятини янада ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Иқтидорли ва истиқболли, айниқса республика ҳудудларидан ёш мутахассисларни излаб топиш ва танлашга қаратилган фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янада модернизациялаш, уларнинг хориждаги нуфузли таълим ва илмий муассасаларда, ишлаб чиқариш, инновацион ва бошқа компанияларда мақсадли таълим олишини ҳамда стажировкадан ўтишини ташкил этиш, профессионал, чуқур билимга эга, замонавий фикрлайдиган ва ватанпарварлик руҳида тарбияланган янги авлод кадрларини шакллантириш ва уларни давлат хизматига жалб этиш борасида барча шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5843-сон Фармони билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ихтиёрига ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармасининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро шартномалари бўйича унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Жамғарманинг қўшимча вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

иқтидорли ва истиқболли, айниқса республика ҳудудларидан давлат хизматчиларини тизимли равишда излаб топиш, танлаш ва рағбатлантириш, уларнинг хориждаги нуфузли таълим, илмий ва бошқа муассасаларда таълим олишини ва стажировкадан ўтишини ташкил этиш;

профессионал, чуқур билимга эга, замонавий фикрлайдиган ва ватанпарварлик руҳида тарбияланган янги авлод кадрларини шакллантириш ва уларни давлат хизматига жалб этишга қўмаклашиш;

ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда хорижий экспертлар билан ҳамкорликда давлат хизмати ва таълим соҳасига рақамли

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 12 февралда эълон қилинган.

технологияларни жорий этишга қаратилган илмий-амалий тадбирлар ташкил этиш;

хорижий таълим, илмий ва бошқа ташкилотлар, олимлар ва экспертлар, шунингдек, ватандошлар билан ҳамкорликда онлайн платформаларга асосланган масофавий таълим дастурлари, ўқув курслари ва бошқа таълим, илмий-тадқиқот ва амалий лойиҳаларни амалга ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизмати-ни ривожлантириш агентлигининг мутахассисларни излаб топиш, танлаш ва уларнинг хорижда таълим олишини ташкил этиш тизимини қўйидагиларни назарда тутган ҳолда, тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича таклифига розилик берилсин:

очик стипендия танловлари асосида хорижда бакалаврият, магистратура ва докторантурада таълим олиш дастурлари Жамғарманинг асосий таълим дастурлари (кейинги ўринларда — таълим дастурлари) ҳисобланади;

Жамғарма таълим дастурлари бўйича номзодларни саралаш танлови мунтазам равишда ва Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун, уларнинг республикадаги иш ва ўқиш жойидан қатъи назар очик тарзда амалга оширилади;

Жамғарма томонидан вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг тўғридан-тўғри буюртмалари асосида истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича стажировкадан ўтиш дастурлари ташкил этилади.

4. Белгилансинки, Жамғарма таълим дастурлари бўйича номзодларнинг очик саралаш танлови қўйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

давлат ва жамият бошқаруви;

қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳаси;

таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳа тармоқлари;

иктисодиёт соҳалари ва тармоқлари.

5. Жамғарма 2021 йилда очик стипендия танловлари асосида ёшларнинг нуфузли хорижий мамлакатларда бакалаврият дастури бўйича таълим олиши учун 100 та ўрин, магистратура ва докторантурада ўқиш учун аввалги йилларга нисбатан ўртача 5 баробар кўп ўрин ажратсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Жамғармага Давлат бюджетидан тегишли йил учун ажратилиб ишлатилмасдан қолган маблағлар Жамғарма ихтиёрида қолдирилади ва кейинги йиллар учун унинг таълим дастурларини молиялаштириш учун йўналтирилади;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиларининг хорижий таълим, илмий ва бошқа ташкилотларда стажировкаси ташкил этилади;

хорижда кадрлар малакасини ошириш, уларнинг стажировкадан ўтишини ташкил этиш ва хорижий тилларга ўқитиш тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар учун Давлат бюджетида назарда тутилган мақсадли маблағлар, буюртмачиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ташкил этилади;

Жамғарма стипендиялари квоталари Васийлик кенгаши қарорига кўра таълим дастурлари ҳамда истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликларни ҳисобга олган ҳолда таълим соҳалари кесимида номзодларни саралаш танловини ўтказиш йўналишлари бўйича ажратилади;

Жамғарма таълим дастурлари бўйича таълим олган стипендиатларга стипендиат билан тузилган шартномада белгиланган тартиб ҳамда муддат мобайнида вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлари ҳамда давлат улуши мавжуд бўлган ташкилотларда узлуксиз ишлаб бериш мажбурияти юкланади;

Жамғарма давлат хизматчилари ва бошқа тоифадаги ходимлар салоҳиятини оширишга кўмаклашиш, иқтидорли ва истиқболли ёшларни, энг аввало республика ҳудудларидаги ёшларни рағбатлантириш мақсадида етакчи хорижий ва маҳаллий олимлар ҳамда экспертларни жалб этган ҳолда ўқув курслари, илмий-маърифий ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ҳуқуқига эга;

стипендиат узрсиз сабабга кўра таълим дастурларидан четлаштирилган тақдирда ёки Жамғарма таълим дастурлари тугалланганидан сўнг меҳнат фаолиятини вазирликлар, идоралар ёки бошқа давлат ташкилотларида давом эттиришдан бош тортган ҳолларда, Жамғарма томонидан стипендиатнинг таълим олиши учун сарфланган барча молиявий харажатлар у билан имзоланган шартнома шартларига мувофиқ стипендиат томонидан қопланади.

7. Жамғарма Васийлик кенгаши икки ой муддатда:

вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг тўғридан-тўғри буюртмалари асосида истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича амалга ошириладиган стажировкадан ўтишни ташкил этиш тартибини;

Жамғарма стипендияларини молиялаштиришнинг бир стипендиатга мўлжалланган чекланган миқдорини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Қўйидагилар:

Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси Васийлик кенгаши таркиби 3-иловага\* мувофиқ;

Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси таълим дастурлари бўйича номзодларни очиқ саралаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш ҳамда уларнинг салоҳиятини янада ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш юзасидан «Йўл харитаси» 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

---

\* 1, 3, 5-илловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Вазирликлар, идоралар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар:

ҳар йили 1 сентябрга қадар энг яхши тайёрланган номзодларни Жамғарманинг очиқ саралаш танловида иштирок этишга тавсия этган ҳолда Жамғарма таълим дастурлари бўйича таълим олиш учун истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича реал эҳтиёж тўғрисидаги маълумотларни Жамғармага киритиб борсин;

тизимли асосда стипендиатлар меҳнат фаолиятининг мониторингини ўтказишда Жамғармага кўмаклашсин, уларни муносиб ишга жойлаштириш, Ўзбекистонда уларнинг касбий жиҳатдан ўсиши ва мансаб поғоналарида кўтарилиши учун шароитлар яратсин.

10. Жамғармага, истисно тариқасида, ўз таълим дастурларини ташкил этиши, республикага хорижий олимлар ва мутахассисларни, шу жумладан ватандошларни жалб қилиши учун Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУҚда импорт контрактлари (шартномалари)ни мажбурий тарзда рўйхатдан ўтказмаган ҳолда биржа танловлари ва ваколатли органларда контрактлар (шартномалар)ни экспертизадан ўтказмасдан хизматлар кўрсатиш бўйича хорижий ҳамкорлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма таълим дастурларини амалга ошириш бўйича Жамғарма номидан тузиладиган импорт контрактларини амалга ошириш муддатлари айнан ушбу контрактларда белгиланган муддатлар ҳисобланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари 7-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Жамғарма манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Жамғарма (А.Ш. Бекмуродов) Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К. Кучимов) ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Д. Хаджаев) билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармон моҳияти ва аҳамияти бўйича чиқишлар ва тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

15. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари К.К. Куранбаев белгилансин.

16. Мазкур Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбе-

кистон Республикаси Президентига ҳар йил якуни бўйича ахборот кири-тиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 11 февраль,  
ПФ-6168-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 11 февралдаги  
ПФ-6168-сон Фармониغا  
2-ИЛОВА

**Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар  
билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди»  
жамғармаси тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) мақсадлари, асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги таркибига қиради ва унинг фаолияти ушбу агентлик томонидан мувофиқлаштирилади.

Жамғарма моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ходимлари малакасини оширишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан амалга оширилади.

3. Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

4. Жамғарма давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланиб, ўз мустақил баланси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигидаги шахсий ҳисобварақлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ва давлат тилидаги ўз номи туширилган муҳр, штамп ва бошқа белгиларига эга.

Жамғарманинг жойлашган ўрни (почта манзили): Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 13-уй.

5. Жамғарманинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси;

қисқартирилган номи — «Эл-юрт умиди» жамғармаси;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Фонд «Эл-юрт умиди» по подготовке специалистов за рубежом и диалогу с соотечественниками;

қисқартирилган номи — Фонд «Эл-юрт умиди»;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — «El-yurt umidi» Foundation for training specialists abroad and the dialogue with compatriots;

қисқартирилган номи — «El-yurt umidi» Foundation.

## **2-боб. Жамғарманинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари**

6. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

иктидорли ва истиқболли, айниқса давлат хизматчиларини республика ҳудудларидан тизимли равишда излаб топиш, танлаш ва рағбатлантириш, уларнинг хориждаги нуфузли таълим, илмий ва бошқа муассасаларда таълим олишини ташкил этиш;

профессионал, чуқур билимга эга, замонавий фикрлайдиган ва ватанпарварлик руҳида тарбияланган янги авлод кадрларини шакллантириш ва уларни давлат хизматига жалб этишга қўмаклашиш;

ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда хорижий экспертлар билан ҳамкорликда давлат хизмати ва таълим соҳасига рақамли технологияларни жорий этишга қаратилган илмий-амалий тадбирлар ташкил этиш;

хорижий таълим, илмий ва бошқа ташкилотлар, олимлар ва экспертлар, шунингдек, ватандошлар билан ҳамкорликда онлайн платформаларга асосланган масофавий таълим дастурлари, ўқув курслари ва бошқа таълим, илмий-тадқиқот ва амалий лойиҳаларни амалга ошириш;

устувор ва талаб юқори бўлган мутахассисликларни аниқлаш, шу асосда Жамғарма стипендиатларининг етакчи хорижий таълим ва илмий муассасаларда, шунингдек, танланган фаолият соҳаси бўйича илғор тажрибага эга бўлган ишлаб чиқариш, инновацион ва бошқа компания ва ташкилотларда таълим олишини ташкил этиш;

вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг тўғридан-тўғри буюртмалари асосида истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича стажировкадан ўтиш дастурларини ташкил этиш;

хориждаги нуфузли илмий-тадқиқот, таълим ва тиббиёт муассасаларида, иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида, айниқса, энг янги инновацион

технологияларни ишлаб чиқариш ва қўллаш соҳаларида ишлаётган, қимматли илмий ва амалий тажрибага эга ватандошларимиз билан алоқалар ўрнатиш;

давлат органларининг кадрлар бўйича хизматлари томонидан фойдаланилиши ва онлайн тарзда излаш мумкин бўлган, жаҳон мамлакатлари ҳамда мутахассисликлар бўйича каталоглаштирилган қимматли илмий ва амалий тажрибага эга ватандошларнинг электрон реестри (маълумотлар базаси)-ни яратиш ва юритиш;

хорижий олимлар, ўқитувчилар, муҳандислар ва бошқа мутахассисларни, шу жумладан ватандошларни таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳаларига, айниқса, янги, истиқболли тармоқларга жалб этиш, улар учун қулай шароитлар яратиш, долзарб муаммоларини ҳал этиш, уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тадбирларни амалга ошириш;

таълим, соғлиқни сақлаш ва иқтисодиёт соҳаларида меҳнат қилаётган ватандошлар орасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантириш, Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш масалалари бўйича уларнинг гоё ва фикрларини тўплаш, умумлаштириш ва тегишли ташкилотларга етказиш, шунингдек, тўпланган материалларни тайёрлаш ва тарқатишнинг самарали тизимини яратиш;

хорижда Ўзбекистоннинг ижобий имижини шакллантириш ва қўллаб-қувватлашда, шунингдек, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги нуфузли таълим ва илмий марказлари, халқаро ташкилотлар билан алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда ҳамкорликни ривожлантиришда ватандошлар салоҳиятидан фаол фойдаланиш;

жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи таълим ва илмий муассасаларида бакалаврият, магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳаларидаги истиқболли мутахассисларни, шу жумладан педагоглар ва илмий кадрларни танлаб олиш ҳамда тайёрлашни ташкил этиш;

нуфузли хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда истиқболли мутахассисларнинг ўқишини мониторинг қилиш, уларнинг Ўзбекистонда муносиб ишга жойлашишига кўмаклашиш, ушбу мутахассисларнинг меҳнат фаолиятини мониторинг қилиш, уларнинг касбий жиҳатдан ўсишига ва мансаб поғоналарида кўтарилишида кўмаклашиш;

маҳаллий ҳамда хорижий экспертларнинг, шу жумладан ватандошларимизнинг Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларнинг боришига оид таҳлилий материаллари чоп этиладиган журналлар, илмий тўпламларни тайёрлаш ва кенг тарқатиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда кадрларни хорижда ўқитиш борасидаги ишлар ҳолатини мониторинг қилиш ҳамда хорижда кадрларни тайёрлаш ва хорижий мутахассисларни жалб этиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳаларида халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг давлат тузилмалари ва

нодавлат ташкилотлари билан алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда уларни ҳамкорликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш.

### 3-боб. Жамғарманинг ҳуқуқлари

7. Жамғарма асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишларига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан кадрларнинг хорижда таълим олиши бўйича ишлар ҳолати, хорижий мутахассисларга бўлган эҳтиёж ва уларни, хусусан, ватандошлар орасидан жалб этиш, шунингдек, айниқса давлат хизматига жалб этилган мутахассислар фаолияти самарадорлигига доир тегишли ахборотни сўраб олиш;

стипендиатларнинг нуфузли хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда бакалавриат, магистратура ва докторантурада таълим олиш дастурлари (кейинги ўринларда — таълим дастурлари)да таълим олиши мониторингини юритиш масалаларида тегишли хорижий ва маҳаллий ташкилотлар, Ўзбекистон Республикасининг хорижий ваколатхоналари билан ҳамкорлик қилиш;

стипендиатлар хорижда ўқишни тугатганидан сўнг уларнинг республикадаги профессионал фаолияти мониторингини ўтказиш, уларни Ўзбекистонда муносиб ишга жойлаштиришга, касбий ва мансаб поғоналарида кўтарилишига кўмаклашиш масалалари бўйича вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

олий таълим муассасаларининг таълим жараёнлари, илмий ташкилотларда тадқиқотчилик фаолияти, шунингдек, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларда амалий фаолиятда иштирок этиши учун хорижлик етакчи ўқитувчилар, олимлар, муҳандис-техник кадрлар ҳамда мутахассисларни республикага белгиланган тартибда таклиф этиш;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ҳудудида ўз номидан ва ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахслар билан шартномалар ҳамда бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва имзолаш;

Жамғарма таълим дастурларини ташкил этиш, шу жумладан республикага хорижий олимлар ва мутахассисларни, хусусан ватандошларни жалб қилиш учун хорижий ҳамкорлар билан биржа танловлари ва ваколатли органларда контрактлар (шартномалар) экспертизасини ўтказмаган ҳолда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ҳудудида турли кўргазмалар, танловлар, конференциялар ва бошқа илмий ҳамда таълим тадбирларини ташкил этиш;

давлат хизматчилари ва бошқа тоифа ходимлари салоҳиятини оширишга кўмаклашиш, иқтидорли ва истиқболли ёшларни рағбатлантириш мақсадида етакчи хорижий ҳамда маҳаллий олимлар ва экспертларни, жумладан ватандошларни жалб этган ҳолда ўқув курслари, илмий-маърифий ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

Жамғарма фаолиятига вазирликлар, идоралар, таълим, илмий ва бошқа муассасалар, шу жумладан хорижий мамлакатларнинг илмий-педагогик кадрлари ҳамда мутахассисларини шартнома асосида жалб этиш;

белгиланган тартибда республика ҳудудида ва унинг ташқарисида ташкил этиладиган халқаро таълим ҳамда илмий ташкилотлар, турли нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектларининг муассиси ва ҳаммуассиси бўлиш;

шартнома асосида турли таълим, илмий, маслаҳат ва бошқа хизматлар кўрсатиш.

Жамғарма қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа фаолият билан ҳам шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Жамғарма бир йилда камида икки марта нашр этиладиган «UzBridge» электрон илмий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий журналини чоп этади.

#### **4-боб. Жамғарма фаолиятини ташкил этиш**

8. Жамғарманинг олий бошқарув органи Васийлик кенгаши ҳисобланади.

Жамғарма Васийлик кенгаши таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Жамғарма Васийлик кенгашининг мажлислари раис ёки унинг топшириғига кўра раис ўринбосари раҳбарлигида ўтказилади.

Жамғарма Васийлик кенгашининг мажлислари зарурат бўйича, аммо бир йилда камида бир марта ўтказилади. Жамғарма Васийлик кенгашининг қарорлари баённома билан расмийлаштирилади.

Васийлик кенгашининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, Жамғарманинг таълим дастурларида иштирок этаётган жисмоний шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

9. Жамғарманинг Васийлик кенгаши:

Жамғарма фаолиятини ташкил этиш ва уни ривожлантириш, Жамғарманинг таълим ва бошқа дастурлари бўйича маблағларини тақсимлаш ва фойдаланишга оид энг муҳим масалалар бўйича қарорлар қабул қилади;

номзодларни танлов асосида саралаб олиш йўналишлари ва Жамғарма таълим дастурлари бўйича таълим соҳалари кесимида квоталар ажратиш учун истиқболли ҳамда талаб юқори бўлган мутахассисликлар рўйхатини белгилайди;

Жамғарма стипендияларини олиш учун тегишли йўналишлар бўйича календарь йил давомида даврий равишда, ажратилган молиявий ресурслар доирасида очиқ саралаш танловларини эълон қилади;

Жамғарма таълим дастурлари бўйича тавсия этилган мамлакатлар, таълим, илмий ва бошқа муассасаларни тавсия этган ҳолда очиқ саралаш танловлари ғолибларини тасдиқлайди;

вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг тўғридан-тўғри буюртмала-

ри асосида истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича амалга ошириладиган стажировкадан ўтишни ташкил этишнинг тартибини тасдиқлайди;

Жамғарма стипендияларини молиялаштиришнинг бир стипендиатга мўлжалланган чекланган миқдорини тасдиқлайди;

етакчи хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасалар бакалавриати, магистратураси ёки докторантурасига мустақил ўқишга кирган ҳамда таълим олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Жамғарма стипендияларини ажратиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

саралаш танловининг барча йўналишларида Жамғарма таълим дастурлари бўйича таълим олиш учун тавсия этиладиган хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасалар, вазирликлар, агентликлар, ишлаб чиқариш, инновацион компаниялар ва бошқа ташкилотлар рўйхатини тасдиқлайди;

Жамғарманинг йиллик даромад ва харажатлари, Жамғарма томонидан хорижий ва маҳаллий таълим, илмий ва бошқа муассасалар билан биргаликда ташкил этиладиган таълим, тадқиқот ва бошқа лойиҳаларни молиялаштириш учун Жамғарма сарф-харажатларини тасдиқлайди;

мамлакатда амалга ошириладиган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг тобора ортиб бораётган талабларини ҳисобга олган ҳолда хорижий олимлар, тадқиқотчилар, муҳандис-техник кадрлар ва бошқа мутахассисларни, шу жумладан ватандошларни доимий ва вақтинчалик асосда ишга жалб этиш билан боғлиқ харажатларнинг чекланган миқдорини тасдиқлайди;

ватандошлар иштирокида хорижда Ўзбекистон ҳақида ижобий ахборот муҳитини шакллантиришга, нуфузли таълим, илмий ва бошқа муассасалар билан алоқалар ўрнатиш ва ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг чекланган миқдорларини тасдиқлайди;

давлат хизматчилари ва бошқа тоифа ходимлари салоҳиятини оширишда кўмаклашиш, иқтидорли ва истиқболли ёшларни рағбатлантириш мақсадида илғор хорижий ҳамда маҳаллий олимлар ва экспертларни, жумладан ватандошларни жалб этган ҳолда ўқув курслари, илмий-маърифий ва бошқа тадбирларни ташкил этишни молиялаштириш бўйича қарорлар қабул қилади;

Жамғарма фаолиятига алоқадор бошқа масалаларни кўриб чиқади ва улар бўйича қарорлар қабул қилади.

Жамғарма Васийлик кенгаши аъзолари Жамғармани бошқариш бўйича мажбуриятларини жамоатчилик асосида бажарадилар.

### **5-боб. Жамғарма фаолиятини бошқариш**

10. Жамғармага Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган ижрочи директор раҳбарлик қилади.

Жамғарманинг ижрочи директори Ўзбекистон Республикаси Президенти

Администрацияси раҳбари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган икки нафар ўринбосарга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга.

Жамғарманинг ижрочи директори мақоми, тиббий ва транспорт хизматлари кўрсатиш шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарига, унинг ўринбосарлари эса — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси шўъба мудирига тенглаштирилади.

Ижрочи директор бўлмаган даврда унинг ваколатлари мажбуриятлар тақсимотига мувофиқ унинг ўринбосарларидан бири томонидан амалга оширилади.

11. Жамғарманинг ижрочи директори:

Жамғарма олдига қўйилган мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлашга, Жамғарма маблағларини мақсадли ва самарали сарфлашга шахсан жавобгар ҳисобланади;

Жамғарманинг жорий фаолиятини ташкил этади ва унинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш чораларини кўради;

Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан белгилаб берилган йўналишларга мувофиқ Жамғарма фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;

Жамғарма Васийлик кенгаши қарорлари бажарилишини таъминлайди;

Жамғарма ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, бошқа ташкилотларда, шу жумладан хорижий мамлакатларда, шунингдек, халқаро ташкилотларда Жамғарма вакили ҳисобланади;

Жамғарма штатлар жадвалини ва харажатлар сметасини тасдиқлайди;

бўш турган молиявий ресурсларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ самарали бошқарилишини таъминлайди;

Жамғарманинг лавозим йўриқномалари ва бошқа ички ҳужжатларини тасдиқлайди;

Жамғарма ходимларини моддий рағбатлантириш бўйича белгиланган тартибда чоралар кўради;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;

Жамғарма номидан шартномалар тузади ва Жамғарма ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради.

Ижрочи директор амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **6-боб. Жамғарманинг мулки, молиявий маблағлари, ҳисоби ва ҳисоботи**

12. Жамғарманинг мулки асосий воситалар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, айланма маблағлар ва маблағларни шакллантиришнинг барча манбалари ҳисобидан харид қилинган бошқа моддий қимматликлар, шунингдек, Жамғарманинг молиявий ресурсларидан иборат.

13. Жамғарма тўртта, шу жумладан учта бириктирилган ва битта навбатчи енгил автотранспорт воситаларини сақлаш лимитига эга.

14. Жамғарма мулкнинг қиймати унинг мустақил балансида акс эттирилади.

15. Қуйидагилар Жамғарма харажатларини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари;

хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молиявий институтлар ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг Давлат хизматини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари;

конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан Жамғармага ажратилган молиявий маблағлар қуйидаги харажатларни қоплашга йўналтирилади:

а) таълим дастурлари, хорижий олимлар ва экспертларни, шу жумладан ватандошларни таклиф қилишни, шунингдек, давлат хизматчилари салоҳиятини оширишга кўмаклашиш бўйича тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар қисмида:

саралаш танлови йўналишлари бўйича стипендиялар квоталари ва бир стипендиатга маблағлар сарфининг чекланган меъёрларига мувофиқ равишда Жамғарманинг таълим дастурларини амалга ошириш;

хорижий олимлар ва экспертларни жалб қилиш, чет элда истиқомат қилувчи қимматли касбий тажрибага эга ватандошлар билан алоқалар ўрнатиш ва доимий мулоқот олиб бориш;

хорижда Ўзбекистоннинг ижобий имижини шакллантириш ва фаол илгари суриш, нуфузли таълим, илмий ва бошқа муассасалар билан ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган халқаро форумлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

давлат хизматчилари ва бошқа тоифа ходимлари салоҳиятини оширишга кўмаклашиш, иқтидорли ва истиқболли ёшларни рағбатлантириш мақсадида хорижий ҳамда маҳаллий олимлар ва экспертларни жалб этган ҳолда ўқув курслари, илмий-маърифий ва бошқа тадбирлар ташкил этишни молиялаштириш;

б) жорий таъминот, шу жумладан ишчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, Жамғармага юклатилган бевосита вазифаларни бажариш учун ажратилган маблағлар қисмида:

жорий таъминот, шу жумладан ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш, Жамғарма кадрларининг салоҳиятини ошириш, унинг ахборот ва моддий-техника базасини ривожлантириш;

Жамғарма таълим дастурлари бўйича очиқ саралаш танловини ўтказиш, хорижий олимлар ва экспертларни, шу жумладан ватандошларни таклиф қилиш бўйича фаолиятни таъминлаш;

Жамғарма зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни бажариш.

17. Жамғарма ходимларига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидаги тегишли лавозимлар учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш миқдорлари ва шароитлари татбиқ этилади.

Жамғарма ходимларининг лавозим маошига улар иш ҳажми ва самарадорлигидан келиб чиқиб (меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти ҳисобга олинган ҳолда), лавозим маошининг 100 фоизигача миқдорда ҳар ойлик устамалар белгиланади.

18. Жамғарма ўз мажбуриятлари бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ унга тегишли бўлган барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

19. Жамғарма белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини олиб боради, молиявий ва статистика ҳисоботини юритади.

### **7-боб. Яқунловчи қоида**

20. Жамғармани қайта ташкил этиш ва уни тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 11 февралдаги  
ПФ-6168-сон Фармониغا  
4-ИЛОВА

## **Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси таълим дастурлари бўйича номзодларни очиқ саралаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) томонидан хорижда бакалаврият, магистратура ва докторантурада таълим олиш дастурлари (кейинги ўринларда — таълим дастурлари) бўйича номзодларни очиқ саралаш танловини ташкил этиш тартиби ва механизмларини белгилайди.

2. Жамғарма таълим дастурлари бўйича таълим олишга юбориш очиқ саралаш танлови асосида амалга оширилади.

Очиқ саралаш танлови аризалар келиб тушиши ва тўпланишига қараб, календарь йил давомида даврий равишда, аммо бир йилда камида икки мартаба ўтказилади.

3. Номзодларни очик саралаш танловини ташкил этиш ва ўтказиш Танлов комиссияси томонидан амалга оширилади, унинг шахсий таркиби ҳамда ишлаш тартиби Жамғарманинг Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланади.

4. Таълим дастурлари бўйича таълим олишга қабул фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ҳамда қабул ва танлаб олишнинг ягона қоидалари асосида амалга оширилади.

5. Саралаш танловларида қуйидаги шахслар иштирок эта олмайди:

а) бакалаврият таълим дастурлари бўйича — 25 ёшдан катта бўлган, аввал ўхшаш таълим йўналиши бўйича хорижда бакалавриятда таълим олганлар;

б) магистратура таълим дастурлари бўйича — 20 ёшдан кичик ва 45 ёшдан катта бўлган, шунингдек, аввал ўхшаш мутахассислик бўйича хорижда магистратурада таълим олганлар;

в) докторантура таълим дастурлари бўйича (шу жумладан аспирантура орқали фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун) — 22 ёшдан кичик ва 45 ёшдан катта бўлган, шунингдек, аввал фалсафа доктори (PhD), фан номзоди ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини хорижда олганлар;

г) танланган мутахассислик бўйича меҳнат стажи 2 йилдан кам бўлганлар;

д) олий маълумотга эга бўлмаганлар (мазкур талаб бакалаврият таълим йўналиши бўйича номзодларга татбиқ этилмайди);

е) давлат ҳокимиятининг сайлаб қўйиладиган органларида фаолият юритаётганлар;

ж) оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлиги тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаганлар.

6. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари томонидан докторантура ва магистратурада таълим олиш дастурларига тавсия этилган номзодларга, шунингдек, бакалаврият таълим дастури бўйича номзодларга меҳнат стажидан қатъи назар саралаш танловида иштирок этишга рухсат берилади.

## 2-боб. Жамғарма стипендиялари

7. Жамғарма стипендиялари белгиланган тартибда Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан ҳар йили тасдиқланадиган таълим дастурларига мувофиқ етакчи хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда қуйидаги дастурлар учун ажратилади:

докторантура (аспирантура)да таълим олишга — 1 — 4 йил давомида;

магистратурада таълим олишга — 1-2 йил давомида;

бакалавриятда таълим олишга — 3-4 йил давомида.

Докторантура (шу жумладан аспирантура орқали фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) даражасини олиш учун), магистратура ёки бакалавриятда таълим олиш тегишли хорижий мамлакатларнинг таълим,

илмий ёки бошқа муассасалари томонидан қабул қилинган стандартлар, талаблар ва ўқув режаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тавсияси ва Жамғарма Васийлик кенгашининг қарорига мувофиқ республика учун алоҳида аҳамиятга эга тиббий мутахассисликлар бўйича икки йилгача клиник ординатурани ўташ учун стипендиялар ажратилиши мумкин. Бунда клиник ординатурага магистратура дастури бўйича ўқишнинг ўзига хос шакли сифатида қаралади.

Жамғарма буюртмачи ташкилотнинг асосланган таклифига мувофиқ, истисно тариқасида, хорижий олий таълим, илмий ва бошқа муассасаларнинг мурожаатлари асосида докторантура ва магистратурада таълим олиш муддатини, қўшимча молиялаштириш ҳуқуқисиз, бир семестргача узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

8. Жамғарма стипендиялари ушбу Низом талаблари асосида очиқ саралаш танловидан ўтган шахслар (кейинги ўринларда — Стипендиатлар)-га хорижда таълим олиш мақсадида қўйидаги харажатларни қоплаш учун ажратилади:

хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасалар, вазирликлар, ишлаб чиқариш, инновацион компаниялар ҳамда бошқа ташкилотларда Стипендиатларнинг бакалаврият, магистратура ёки докторантурада ўқиши қиймати тўлови;

Стипендиатлар томонидан визалар олиш;

Стипендиатларнинг барча турдаги транспорт воситалари билан таълим олиш жойигача бўлган йўлқира харажатлари (иккала томонга, кўпи билан йилига бир марта);

бакалаврият, магистратура ёки докторантурада таълим олиш даврида Стипендиатларнинг яшаш, овқатланиш ва транспорт харажатлари;

зарур ўқув ва илмий адабиётларни харид қилиш, шу жумладан дарсликлар сотиб олиш, Стипендиат таълим олаётган хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассаса талабларига биноан илмий мақолалар чоп эттириш, илмий мақолаларни кўчириб (электрон тарзда юклаб) олиш, мақолалар ҳамда илмий адабиётларнинг электрон базасига обуна бўлиш;

хорижда бакалаврият, магистратура ёки докторантурада таълим олиш даврида Стипендиатларни тиббий суғурталаш;

Жамғарма Васийлик кенгаши қарорига кўра Стипендиатларнинг хорижда таълим олиши билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлари.

Ҳар бир таълим дастури бўйича битта Стипендиатга ажратиладиган харажатларнинг чекланган миқдори Жамғарманинг Васийлик кенгаши томонидан белгиланади.

### **3-боб. Саралаш танловида иштирок этиш учун ҳужжатларни қабул қилиш тартиби**

9. Жамғарма Васийлик кенгаши қарорига мувофиқ таълим дастурлари бўйича ўтказиладиган очиқ саралаш танлови ҳақидаги эълон ҳужжатлар-

ни қабул қилиш муддати тугашидан камида бир ой аввал оммавий ахборот воситалари, шу жумладан интернет нашрлар ва Жамғарманинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Очиқ саралаш танлови ўтказиш тўғрисидаги эълон қўйидаги маълумотлардан иборат бўлиши лозим:

аризаларни қабул қилиш муддатлари, тартиби ва жойи;

зарур ҳужжатлар рўйхати;

танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар (ёши, мутахассислик бўйича зарур меҳнат стажи, хорижий тилни билиш даражаси ҳамда хорижда ўқишга киришга қўйиладиган талаблар, илмий мақолаларнинг мавжудлиги ва бошқалар);

саралаш танловини ўтказиш жойи ва муддатлари;

алоқа телефонлари ва электрон манзиллар.

10. Барча таълим дастурлари бўйича номзодлар Жамғармага қўйидаги ҳужжатларни тақдим қиладилар:

а) таълим дастури, шу жумладан ўқийдиган мутахассислиги, танланган мамлакат, таълим, илмий ёки бошқа муассаса кўрсатилган ҳолда белгиланган шаклда Жамғарма ижрочи директори номига ариза;

б) паспорт нусхаси;

в) иш жойи ва лавозими сақланиши ёки тегишли таълим дастури тугаганидан сўнг ишга жойлаштириш бўйича мажбуриятлар акс этган буюртмачининг кафолат хати (танлов ғолиблари учун);

г) узрсиз сабабларга кўра Стипендиат билан тузилган шартнома бекор қилинган тақдирда, Жамғарма молиявий харажатларини (ўтган йиллар давомида истеъмол нархлари индексининг ўртача йиллик даражасига тенг жарима билан) қоплаш тўғрисида давлат органи (давлат ва хўжалик бошқаруви органи ёки бошқа давлат ташкилоти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари) томонидан берилган кафолат хати, банк кафолати ёки суғурта ташкилотининг суғурта полиси.

Бунда, номзод тўғрисидаги маълумотлар белгиланган тартибда «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро аппарат-дастурий комплексига тўлиқ киритилиши таъминланиши шарт.

11. Хорижда бакалавриятда ўқиш дастури бўйича номзодлар 10-бандда кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қўйидагиларни тақдим қилади:

а) хорижий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинганлиги ёки шартли қабул қилинганлиги тўғрисидаги таклифнома-хат (Letter of acceptance ёки Letter of conditional acceptance);

б) хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи CEFR тизими бўйича B2 даражасидан паст бўлмаган амалдаги миллий ёки халқаро сертификат (Миллий сертификат, IELTS, TOEFL ва бошқалар).

Хорижий таълим муассасасига шартсиз қабул қилинганлиги тўғрисидаги таклифнома-хат (Letter of acceptance)ни тақдим этган номзодлар, бундан мустасно;

в) хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва таълим олиш туга-

гач олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари ҳақида эссе (ёзма иш).

12. Хорижда магистратурада ўқиш дастури бўйича номзодлар 10-бандда кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидагиларни тақдим қилади:

а) хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассасага ўқишга қабул қилинганлиги ёки шартли қабул қилинганлиги тўғрисидаги таклифнома-хат (Letter of acceptance ёки Letter of conditional acceptance);

б) хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи CEFR тизими бўйича B2 даражасидан паст бўлмаган амалдаги миллий ёки халқаро сертификат (Миллий сертификат, IELTS, TOEFL ва бошқалар).

Хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассасага шартсиз қабул қилинганлиги тўғрисидаги таклифнома-хат (Letter of acceptance)ни тақдим этган номзодлар, бундан мустасно;

в) номзоднинг Ўзбекистонда ва хорижда (агар мавжуд бўлса) эълон қилинган илмий мақолалари рўйхати ҳамда уларнинг электрон вариантлари;

г) хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва таълим олиш тугагач олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари ҳақида эссе (ёзма иш).

13. Хорижда докторантурада ўқиш дастури бўйича номзодлар 10-бандда кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидагиларни тақдим қилади:

а) хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассасага ўқишга қабул қилинганлиги ёки шартли қабул қилинганлиги тўғрисидаги таклифнома-хат (Letter of acceptance ёки Letter of conditional acceptance);

б) хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи CEFR тизими бўйича B2 даражасидан паст бўлмаган амалдаги миллий ёки халқаро сертификат (Миллий сертификат, IELTS, TOEFL ва бошқалар).

Хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассасага шартсиз қабул қилинганлиги тўғрисидаги таклифнома-хат (Letter of acceptance)ни тақдим этган номзодлар, бундан мустасно;

в) танланган соҳани ривожлантириш ҳамда унинг натижаларини Ўзбекистонда қўллаш учун номзод тадқиқотининг долзарблиги тўғрисида тегишли таълим, илмий ёки бошқа муассаса раҳбарининг тавсия хати;

г) номзоднинг Ўзбекистонда ва хориждаги илмий журналларда эълон қилинган илмий мақолалари рўйхати ҳамда уларнинг электрон вариантлари;

д) режалаштирилаётган илмий тадқиқотнинг мақсадлари, услублари ва натижалари, уларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари ҳақидаги эссе (ёзма иш).

14. Очiq саралаш танловида иштирок этиш учун аризалар номзодлар томонидан онлайн тарзда электрон шаклда топширилади. Саралаш танловининг барча босқичларидан муваффақиятли ўтган номзодлар ҳужжатларини тегишли тарзда расмийлаштирилган ҳолда чоп этилган шаклда тақдим этадилар.

15. Жамғарма хорижда таълим олиш нархлари, муддатлари ва шарт-шароитларининг мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда, тегишли

таълим дастури бўйича Стипендиатнинг таълим олиши учун нисбатан афзал бўлган хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасани танлаш ҳуқуқига эга.

#### **4-боб. Жамғарма таълим дастурлари бўйича саралаш**

16. Номзодларни саралаш икки босқичда амалга оширилади:

1-босқич ҳужжатларни ушбу Низомда белгиланган талаблар асосида қабул қилиш, таҳлил қилиш ва рўйхатга олишни кўзда тутади.

Ушбу босқич Жамғарма ходимлари томонидан ўтказилиб, унинг яқунлари бўйича ҳужжатларини Жамғарма талабларига мос равишда тақдим этган, саралаш танловининг 2-босқичига ўтган иштирокчиларнинг йиғма рўйхати тузилади.

2-босқичда номзодлар билан хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва таълим олиш тугагач олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари, танлаган мутахассислиги бўйича билим ва кўникмалари даражасини аниқлашга қаратилган давлат тилида суҳбат ўтказилиши кўзда тугилади.

Жамғарма Васийлик кенгаши қарорига кўра танловнинг 2-босқичи рақамли технологияларга асосланган ҳолда онлайн видеомулоқот шаклида ташкил этилиши мумкин.

Жамғарманинг Васийлик кенгаши номзодларнинг интеллектуал, таҳлил қилиш ва ижодий қобилиятлари даражасини аниқлашга қаратилган қўшимча тест синови ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

2-босқич натижалари Танлов комиссиясининг имтиҳон қайдномаси билан расмийлаштирилади.

17. Танлов комиссияси танлов яқунларини умумий ва Жамғарма таълим дастурлари бўйича алоҳида шаклда умумлаштиради ҳамда уларни тасдиқлаш учун Жамғарманинг Васийлик кенгашига тақдим қилади.

18. Жамғарма Васийлик кенгашининг Жамғарма таълим дастурлари бўйича ўтказилган саралаш танлови натижаларини тасдиқлаш ҳақидаги қарори танлов ўтказилгандан сўнг бир ой муддат ичида эълон қилиниши лозим.

19. Жамғарма Васийлик кенгаши бакалавриат, магистратура ва докторантурада таълим олиш дастурлари бўйича очик саралаш танлови фолибларини тавсия этиладиган мамлакатлар, таълим, илмий ва бошқа муассасаларни кўрсатган ҳолда тасдиқлайди.

Очик саралаш танловидан муваффақиятли ўтган номзодларга Васийлик кенгаши томонидан белгиланган шаклдаги сертификатлар топширилади.

20. Жамғарма ҳар йили ўз расмий веб-сайтида Стипендиатлар учун тегишли таълим дастури бўйича тавсия этиладиган таълим, илмий ва бошқа муассасалар, вазирликлар, ишлаб чиқариш, инновацион компаниялар ва бошқа ташкилотларнинг рўйхатини эълон қилиб боради.

Ушбу рўйхат Жамғарма томонидан, биринчи навбатда, таълим соҳалари бўйича базавий олий таълим муассасаларининг, етакчи илмий муассаса-

лар, шунингдек, манфаатдор ва мутасадди вазирликлар, идоралар ҳамда ташкилотларнинг таклифлари асосида шакллантирилади.

Рўйхатга, қоида тарикасида, THE (The Times Higher Education World University Rankings), QS (Quacquarelli Symonds World University Rankings), The U. S. News and World Report (Best Global University Rankings) ва ARWU (Academic Ranking of World Universities) каби халқаро микёсда эътироф этилган академик рейтингнинг энг илғор 300 та (ёки танлаб олинган фан бўйича етакчи 100 та) таълим ва илмий муассасалар рўйхатидан жой олган хорижий таълим, илмий ҳамда бошқа муассасалар киритилади.

Бундан ташқари, ушбу рўйхатга Стипендиат томонидан танлаб олинган соҳада эътироф этилган ва илғор таълим, илмий ҳамда бошқа муассасалар, вазирликлар, агентликлар, ишлаб чиқариш, инновацион ва бошқа компаниялар, халқаро иқтисодий, молиявий, энергетика ҳамда бошқа институтлар ва тузилмалар ҳам киритилиши мумкин.

Стипендиат томонидан танланган хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассаса кўрсатилган рўйхатдан жой олмаган бўлса, Жамғарма Васийлик кенгаши қарори асосида Стипендиатга ўзи танлаган муассасада таълим дастуридан ўтишига рухсат бериш ҳуқуқига эга.

21. Агар Стипендиат танланган мутахассислик бўйича бакалаврият ва магистратура дастури учун олти ой, докторантура дастури учун бир календарь йил мобайнида танланган хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасага шартсиз қабул қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатни («Letter of unconditional acceptance») тақдим эта олмаса, унинг стипендияси бекор қилинади.

### **5-боб. Жамғарманинг Апелляция комиссияси**

22. Ушбу Низомга риоя қилиш, суҳбат (тест)нинг ўтказилиши, шунингдек, танловни ўтказиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа масалалар бўйича шикоятларни кўриб чиқиш учун Жамғарма Васийлик кенгашининг қарори билан апелляция комиссияси тузилади.

Жамғарма апелляция комиссиясининг шахсий таркиби ва ишлаш тартиби Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан белгиланади.

23. Апелляция комиссиясига шикоят саралаш танлови натижалари эълон қилинганидан сўнг уч кун ичида топширилади.

24. Апелляция комиссияси қабул қилинган шикоятни кўриб чиқиши ва ариза берилганидан сўнг беш кун ичида тегишли қарор қабул қилиши зарур.

25. Танлов комиссиясининг тегишли кичик комиссиялари аъзолари, шунингдек, суҳбат (тест)ни олиб боришда иштирок этувчи экспертлар ишда йўл қўйган камчиликлари ва ноҳолислиги учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланади.

### **6-боб. Стипендиатларнинг мажбуриятлари**

26. Стипендиатлар шартномаларни (контрактларни) Жамғарма томони-

дан белгиланган тартибда тўлдириши ва келгусида рўйхатга олиниши ҳамда ижро этилиши учун кўрсатилган талаблар ва муддатларга мувофиқ Жамфармага тақдим этиши лозим.

Таълим дастури тугалланганидан сўнг, Стипендиатлар шартнома (контракт) талабларига қатъий амал қилган ҳолда Жамфармага диплом, сертификат ёки бошқа ҳужжат нусхасини, шунингдек, диссертациянинг (диплом, битирув ёки сертификат иши ёхуд бошқа ҳисобот шакли) электрон вариантини Жамфарманинг барча фойдаланиши мумкин бўлган электрон кутубхонасига жойлаштириш учун тақдим этишлари шарт.

27. Хорижда таълим олишга кетаётган Стипендиатлар қуйидаги масалалар бўйича яқка тартибдаги инструктаждан ўтиши керак:

Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари;

Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти, анъаналари, сайёҳлик ва инвестицион салоҳияти;

халқаро этикет ва протокол, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги ваколатхоналари билан ҳамкорлик ҳамда консуллик ҳисобида туриш.

Узрли сабабларсиз Жамфарма вакиллари билан яқка тартибдаги инструктаждан ўтмаган Стипендиатлар Жамфарма Васийлик кенгаши қарори билан Стипендиатлар сафидан чиқарилиши мумкин.

28. Стипендиатларга вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларида эгаллаган мутахассислиги бўйича қуйидаги муддатда тўлиқ бандлик режимида узлуксиз ишлаб бериш мажбурияти юкланади:

а) бакалавриятда ўқиш дастури бўйича — 5 (беш) йилдан кам бўлмаган муддатда;

б) магистратура ва докторантурада ўқиш дастури бўйича — 3 (уч) йилдан кам бўлмаган муддатда.

29. Республика ҳудудларини етакчи хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда бакалаврият, магистратура ёки докторантурада таълим олган ёш мутахассислар билан таъминлаш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Жамфарма Васийлик кенгаши мажбурий ишлаб бериш жойи сифатида республиканинг чекка ҳудудларида жойлашган давлат ташкилотлари ёки муассасалари ҳамда давлат улуши мавжуд бўлган ташкилотларни танлаган Стипендиатларнинг мажбурий ишлаб бериш муддатини бакалавриятда ўқиш дастури бўйича 2 (икки) йилга қадар, магистратура ва докторантурада ўқиш дастури бўйича 1 (бир) йилга қадар қисқартириш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

30. Стипендиат узрсиз сабабларга кўра хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассасаларнинг талабалар сафидан чиқарилган ёки Жамфарма таълим дастурлари тугагандан сўнг у билан тузилган шартнома шартларига мувофиқ вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлари ҳамда давлат улуши мавжуд бўлган ташкилотларда меҳнат фаолиятини давом эттиришдан бош тортган тақдирда, Жамфарма томонидан уни ўқитишга сарфланган барча молиявий харажатлар Стипендиат томонидан қоплаб берилади.

Стипендия харажатларини ҳисоблашда Стипендиатнинг хорижда таъ-

лим олиши учун хорижий валютада тўлаб берилган стипендия суммасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов кундаги алмашув курси асосида миллий валютада аниқланган миқдори асос сифатида қабул қилинади.

Стипендиатдан кафиллар билан биргаликда асосий тўлаб берилиши лозим бўлган харажатлар миқдори билан бирга ўтган йиллар давомида истеъмол нархлари индексининг ўртача йиллик даражасига тенг жаримани ҳисобга олган ҳолда дастурнинг тўлиқ қийматини тўлаб бериши Стипендиатлар билан тузилган шартномага мувофиқ талаб этилиши мумкин.

### **7-боб. Яқунловчи қоида**

31. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор деб топилган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 11 февралдаги  
ПФ–6168-сон Фармониغا  
6-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–5545-сон Фармонида:

а) 3-банднинг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи таълим ва илмий муассасаларида бакалаврият, магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳаларидаги истиқболли мутахассисларни, шу жумладан педагоглар ва илмий кадрларни танлаб олиш ҳамда тайёрлашни ташкил этиш»;

б) 4, 5, 7 ва 18-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 8-банддан «, малака ошириш ва стажировка ўташ» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 10-бандда:

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) Жамғарма стипендиатларини хорижда бакалаврият, магистратура ва докторантурада ўқитишни ташкил этиш, хорижий олим ва мутахассисларни, шу жумладан ватандошларимизни республикада меҳнат фаолиятини амалга оширишга жалб этиш, шунингдек, Жамғарма таълим дастурларининг самарадорлигини таъминлаш ҳамда давлат хизматчилари салоҳияти-

ни оширишга кўмаклашиш мақсадида бошқа тадбирларни амалга ошириш бўйича:»;

«а» кичик банднинг учинчи хатбошисидаги «тегишли йилдаги истеъмол нархларининг прогноз индексига тенг коэффициентни қўллаган ҳолда» сўзлари «Жамғарманинг хорижий олим ва экспертларни, шу жумладан ватандошларимизни жалб қилиш билан боғлиқ таълим дастурлари, тадбирлари, шунингдек, Жамғарма таълим дастурлари самарадорлигини таъминлаш ҳамда давлат хизматчилари салоҳиятини оширишга кўмаклашиш мақсадида бошқа тадбирларни амалга ошириш учун молиявий ресурсларга бўлган реал эҳтиёжи прогнозини ҳисобга олган ҳолда» сўзлари билан алмаштирилсин;

«а» кичик банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

«б» кичик банднинг олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

д) 14-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«стипендиатлар хорижий мамлакатларга виза олишида, консуллик ҳисобига қўйилишида, нотариал ва бошқа хизматлар кўрсатилишида, борган давлатида стипендиатларнинг ўқишини мониторинг қилишда»;

е) 1 — 4-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5843-сон Фармонида:

а) 4-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат хизматчилари ва мутахассисларни хориждаги нуфузли таълим, илмий ва бошқа муассасаларда таълим олишини ташкил этишга кўмаклашиш»;

б) 7-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси» сўзлари «Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 июндаги «Ипак йўли» туризм халқаро университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3815-сон қарорининг 20-банди иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган харажатларни молиялаштириш халқаро молия институтларининг грантлари, бюджет маблағлари ва Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига амалга оширилади».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарори билан тасдиқланган Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати қўйидаги мазмундаги 40-банд билан тўлдирилсин:

«40. Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан таълим дастурларини ташкил этиш, республикага хорижий олим ва мутахассисларни, шу жумладан ватандошларни жалб этиш хизматлари».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги «Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3982-сон қарорида:

а) 2-банднинг саккизинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси» сўзлари «Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси» сўзлари «Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-илованинг 13-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лавозимига кўра — Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси ижрочи директори ўринбосари».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 январидagi «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармасининг дастурлари бўйича кадрларни ўқитишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4091-сон қарорида:

а) 2, 3, 4 ва 7-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 5-бандда:

тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингига кўра жаҳондаги энг яхши 300 талик ёки танланган фан йўналиши бўйича энг яхши 100 талик рўйхатига кирган хорижий таълим муассасалари ва илмий марказларнинг бакалавриати, магистратураси ёки докторантурасига мустақил тарзда кирган ва таълим олаётган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига Жамғарма стипендияларини ажратиш бўйича қарорлар қабул қилишга»;

бешинчи хатбошисидан «, шу жумладан, Жамғарма стипендияларига номзодларни хорижий тилларга ўқитиш дастурларини» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 2 ва 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПҚ-4472-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги низомда:

а) 11-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат хизматчилари ва мутахассисларни хориждаги нуфузли таълим, илмий ва бошқа муассасаларда таълим олишини ташкил этишга қўмаклашиш»;

б) 12-банд қуйидаги мазмундаги «м» кичик банди билан тўлдирилсин:

«м) давлат хизматчилари ва мутахассисларни хориждаги нуфузли таълим, илмий ва бошқа муассасаларда таълим олишини ташкил этишга кўмаклашиш соҳасида:

давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш бўйича устувор ва талаб юқори бўлган йўналишларни аниқлайди ҳамда таълим дастурларини амалга оширишга ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий жиҳатдан кўмаклашади;

давлат хизматчилари ва мутахассислар салоҳиятини оширишга кўмаклашиш, иқтидорли ва истиқболли ёшларни, энг аввало, республика ҳудудларидаги ёшларни рағбатлантириш мақсадида етакчи хорижий ва маҳаллий олимлар ҳамда экспертларни жалб этган ҳолда ўқув курслари, илмий-маърифий ва бошқа тадбирларни ташкил этади;

хорижий таълим, илмий ва бошқа ташкилотлар, олимлар ва экспертлар, шунингдек, ватандошлар билан ҳамкорликда онлайн платформаларга асосланган масофавий таълим дастурлари, ўқув курслари ва бошқа таълим, илмий-тадқиқот ва амалий лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашади;

давлат хизматчилари ва мутахассислар томонидан таълим дастурлари бўйича ўқиш жараёнида олган билим, малака ва кўникмалардан самарали фойдаланилишига, шунингдек, улар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилишига ҳамда илғор хорижий тажрибаларни оммалаштиришга кўмаклашади».

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 11 февралдаги  
ПФ–6168-сон Фармониغا  
7-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим фармонлари РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ–5121-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5139-сон Фармонининг 12-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**59 Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Мамлакатимизда юқори сифатли чарм, пойабзал, чарм-атторлик маҳсулотлари, шунингдек, мўйна ва жундан юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, соҳада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш, замонавий технологияларни жорий этишни рағбатлантириш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги «Озиқ-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2718-сон қарорига асосан очилган кредит линияларининг танланмаган маблағлари ҳисобидан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 2021-2022 йилларда чармдан тайёр маҳсулотлар, чарм-атторлик, шунингдек, мўйна ва жундан юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш учун умумий қиймати 50 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит линияларини устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган тижорат банкларида очиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси мазкур қарорнинг 1-бандида кўзда тутилган кредит линияларини тегишли тижорат банкларига 3 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 7 йил муддатгача, йиллик 4 фоиз ставкаси шартларида очади;

кредитлар тадбиркорлик субъектларига замонавий янги ускуна ва технологияларни харид қилиш учун 2 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 7 йил муддатгача, йиллик 6 фоиз ставкасида ажратилади.

3. 2023 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона божининг нол ставкаси қўлланиладиган хом ашё, материаллар ва фурнитуралар рўйхати 1-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, Тошкент ҳамда Сурхондарё вилоятлари ҳокимликларининг «Ойбек-автойўл» (Тошкент вилояти) ва «Сариосиё-автойўл» (Сурхондарё вилояти) чегара ўтказиш пунктларидан қўшни давлат чегарасигача бўлган жойларда эксперимент тариқасида маҳаллий тайёр маҳсулотлар савдосига ихтисослаштирилган савдо нуқталарини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 февралда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ушбу савдо нуқталарида фаолият юритадиган тадбиркорлар томонидан реализация қилинадиган ҳамда қўшни давлат худудига олиб чиқилган товарлар экспортга тенглаштирилсин.

Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари билан биргаликда бир ой муддатда «Ойбек-автойўл» ва «Сариосиё-автойўл» чегара ўтказиш пунктларидан қўшни давлат чегарасигача бўлган жойларда савдо нуқталарини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда ер майдонлари ажратилишини ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тегишли инфратузилмалар яратилишини таъминласин.

«Ўзчармсаноат», «Ўзтўқимачиликсаноат», «Ўзбекипаксаноат», «Ўзэлтехсаноат» ва бошқа уюшмалар ташкил этиладиган савдо нуқталарини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг сифатли маҳаллий маҳсулотлари билан таъминласин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Давлат божхона қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари билан биргаликда 2022 йил 1 июнга қадар эксперимент натижаларидан келиб чиқиб, республиканинг бошқа халқаро қатновлари учун очиқ бўлган чегара ўтказиш пунктларидан қўшни давлат чегарасигача бўлган жойларда маҳаллий тайёр маҳсулотлар савдосига ихтисослаштирилган савдо нуқталарини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

5. «Ўзчармсаноат» уюшмаси томонидан Чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан республика худудларида ва хорижий давлатларда маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган чарм маҳсулотлари савдосига ихтисослаштирилган «Multibrand» дўконларини ташкил этиш ва унинг электрон савдо платформасини яратиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

«Multibrand» дўконларини республика худудларида ва хорижда ташкил этиш ҳамда унинг электрон савдо платформасини яратиш, шунингдек, «Ўзчармсаноат» уюшмаси аъзоларининг етакчи электрон савдо платформаларида маҳаллий чарм маҳсулотларини жойлаштириш бўйича харажатларини Чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширишга розилик берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Ўзчармсаноат» уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда янги ташкил этилаётган «Multibrand» дўконларининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг марказий шаҳарларида аҳолига қулай жойларда жойлаштирилишини таъминласин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги «Ўзчармсаноат» уюшмаси билан биргаликда «Multibrand» дўконларини хорижий давлатларда ташкил этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

6. «Ўзстандарт» агентлиги:

икки ой муддатда чарм, пойабзал, чарм-атторлик маҳсулотлари, жун ва мўйнадан тайёрланган буюмларга уларни синовдан ўтказиш усулларига талабларни белгиловчи стандартлар бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳуж-

жатларни хатловдан ўтказсин ва халқаро меъёрларни ҳисобга олган ҳолда уларни қайта кўриб чиқиб, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

2021 йил 1 мартга қадар чарм, пойабзал, чарм-атторлик маҳсулотлари, жун ва мўйнадан тайёрланган буюмларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, соҳага тегишли бўлган синаш бўйича халқаро, минтақавий ва хорижий давлатларнинг стандартларини асли ёзилган тилларда қабул қилиш чораларини кўрсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига белгиланган тартибда киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

9. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ҳар ярим йил якуни бўйича ахборот киритиб борилсин.

### **Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

### **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 8 февраль,  
ПҚ-4982-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 8 февралдаги  
ПҚ-4982-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майдаги «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3693-сон қарорида:

а) 10-банднинг тўртинчи хатбошиси «чарм, мўйна, қорақўл хом ашёси ва жунни қайта ишлаш, шунингдек, бутловчи буюмлар, фурнитура,» сўзларидан кейин «аксессуарлар, пойабзал қолиплари» сўзлари билан тўлдирилсин.

б) 11-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур қарорда назарда тутилган имтиёзлар ва преференциялар «Ўзчармимпэкс» УКга нисбатан ушбу бандда қайд этилган вазифаларни амалга оширишга, шу жумладан «Ўзчармимпэкс» УК томонидан импорт қилинган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё, материаллар ва фурнитураларни чарм, мўйна хом ашёси ва жун тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш, чорва молларини автоматлаштирилган ҳолда сўйиш, жун, қоракўл ва сунъий чармдан буюмлар, чарм-атторлик маҳсулотлари, пойабзал ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ташкилотларга уларнинг ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиши учун сотишга татбиқ этилсин».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4453-сон қарорида:

а) 2-бандининг:

«б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали пахта ип-калаваси ва трикотаж матони олиб чиқишда 2021 йил 1 январдан бошлаб олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-калава учун 0,01 АҚШ доллари, 2022 йил 1 январдан олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-калава ва трикотаж мато учун 0,05 АҚШ доллари, 2023 йил 1 январдан — 0,1 АҚШ доллари, 2025 йил 1 январдан — 0,2 АҚШ доллари миқдориди йиғим ундирилади»;

«в» кичик банди биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) мазкур банднинг «б» кичик бандида кўрсатилган маблағларнинг (трикотаж мато экспортидан ундирилган йиғимлар бундан мустасно) 75 фоизи, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг алоҳида банк ҳисоб рақамига қуйидагилар учун йўналтирилади».

б) 3-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «мажмуаларни ишга тушираётган» сўзлари «мажмуаларга эга ва уларни янгидан ишга тушираётган» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 июндаги «Республикада қўлда тўқилган гиламчилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4759-сон қарориди:

а) 4-бандининг иккинчи хатбошисидаги ««Ўзбекипаксаноат» уюшмаси» сўзлари ««Ўзбекипаксаноат» ва «Ўзчармсаноат» уюшмалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 11-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси билан бирга-лиқда «Ўзбекипаксаноат» ва «Ўзчармсаноат» уюшмалари таркибидаги қўлда гилам тўқиш билан шуғулланувчи корхоналар томонидан экспортга сотилган гиламларни тегишинча ушбу уюшмаларнинг экспорт кўрсаткичларида акс эттирсин.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**60 Қорақўлчилик тармоғини янада ривожлантириш  
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Бугунги кунда мамлакатимизда қорақўлчилик тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ўзбек қорақўли брендини яратиш ва дунё миқёсида тарғиб қилиш, соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, майда шохли наслдор молларни кўпайтириш, шунингдек, уларни сўйиш, тери ва жунини қайта ишлаш, гўшт-сут маҳсулотлари, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш, тармоққа ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ва инновацион технологияларни жорий этиш, сув билан таъминланмаган яйловларда янги сув иншоотларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш борасида бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Шунингдек, мавжуд яйловлар ҳосилдорлигини ошириш, уруғчилик майдонларини кенгайтириш, наслчилик ишларини янада такомиллаштириш, соҳада экспортбоп қорақўл ва қорақўлча тери етиштириш аҳволи бугунги кун талабига жавоб бермайди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қорақўлчилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, яйловлардан самарали фойдаланиш ва яйловлардан фойдаланишда солиқ имтиёзларини қўллаш, уруғчилик ишини йўлга қуйиш, наслчилик ишларини такомиллаштиришда субсидия бериш тартибини қўллаш ҳамда соҳанинг илмий салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2021 йил 1 мартга қадар қорақўлчилик кластерлари томонидан қўй ва эчкиларни бўрдоқига боқиш комплексларини ташкил этиш мақсадида уларга кишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган ерларни фойдаланишга киритиш шarti билан озуқалар етиштириш учун 1-иловага\*\* мувофиқ ер майдонлари ажратилишини таъминласин.

2. Молия вазирлиги қорақўлчилик соҳасини янада ривожлантириш мақсадида 2021 йил 15 февралга қадар Молия вазирлигининг вақтинча бўш турган маблағлари (Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари, бюджетни қўллаб-қувватлаш учун жалб қилинадиган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари, суверен халқаро облигацияларни чиқариш ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар) ҳисобидан 100 миллиард сўм маблағларни «Туронбанк» АТБга Марказий банк асосий ставкасида ажратсин.

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 февралда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Турон банк» АТБ мазкур бандга асосан ажратиладиган маблағларни Республика «Қоракўлчилик» уюшмаси (кейинги ўринларда — Уюшма) аъзоларига 3 йил муддатгача, шу жумладан бир йиллик имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасига 2 фоизлик банк маржасини қўшиш орқали ҳисобланадиган ставка бўйича кредит сифатида қуйидаги мақсадларга тақдим этилишини таъминласин:

наслчилик қоракўлчилик хўжаликларидан қўйлар харид қилиш;

қоракўлчилик соҳасида экспортбоп қоракўл ва қоракўлча терини қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш;

қоракўлчилик субъектлари томонидан озуқа цехлари (гранулятор)ни ташкил этилишини ҳамда қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлари, ресурс тежовчи ускуналар ва замонавий технологиялар харид қилинишини молиялаштириш;

сув чиқариш иншоотларини барпо этиш ҳамда мавжудларини таъмирлаш ва модернизация қилиш.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6059-сон Фармони 1-бандининг еттинчи хатбошисида белгиланган тартиб асосида Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация ажратилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

2024 йил 1 январга қадар Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш кўмитасининг (кейинги ўринларда — Кўмита) доимий эгаллигидаги яйловлар ҳамда Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси томонидан Кўмитага ижарага берилган яйловлар учун белгиланган ер солиғи ставкаси 50 фоизга камайтирилади;

наслдор қўй ва эчкининг, шу жумладан қоракўл зотли қўйларнинг хорижий давлатлардан импорт қилинган ҳар бир эмбрионига Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан 400 минг сўм миқдорида субсидия тақдим этилади;

2021 йил 1 апрелдан бошлаб Уюшма аъзоларига ўзлари томонидан импорт қилинган қўй бош сонининг 50 фоизидан ошмаган қисмини тирик ва хом гўшт кўринишида (ТИФ ТН бўйича 0104 ва 0204 кодлари) экспорт қилишга рухсат этилади, бунда экспорт контрактлари мониторинги Кўмита ва Уюшма томонидан юритилади.

4. Кўмита Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Давлат божхона кўмитаси билан биргаликда 2021 йил 20 мартга қадар Уюшмага аъзо бўлган хўжаликлар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали қўй, унинг гўшти ва ички органлари, ошланган ёки қайта ишланган қоракўл терисининг олиб чиқилишини мониторинг қилиш ва тегишли давлат органлари билан маълумот алмашиш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси «Ўзстандарт» агентлиги ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда экспортга йўналтирилган тирик қўй ва улардан олинган гўшт маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқаришда халқаро стандартлар ва талаблар асосида тегишли ҳужжатларни сифатли тайёрлаш, импорт қилувчи мамлакатлар талабларини экспорт қилувчи корхоналарга етказишни таъминласин ҳамда экспорт қилишда уларга ҳар томонлама қўмаклашсин.

6. Қўмита, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Уюшманинг:

илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти тузилмасида Марказлашган илмий-наслчилик тажриба лабораторияси (кейинги ўринларда — наслчилик лабораторияси)ни ташкил этиш;

наслчилик лабораториясини Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг бўш турган Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47-уй манзилидаги биносига ижара тўловининг «ноль» ставкаси асосида жойлаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Наслчилик лабораториясининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

соҳада маҳаллий ва хорижий фан ютуқларини татбиқ этиш асосида табиий серпуштликка, юқори ҳаётчанлик ва мослашиш хусусиятига эга бўлган қўш маҳсулдор янги қўй зотларини яратишнинг лаборатор тажрибаларини олиб бориш;

наслдор қорақўл қўйларининг сифат кўрсаткичлари (қўй вазни, саноат-боп жун, қорақўл териси сатҳи ва гул типини)ни яхшилаш бўйича тажрибалар ўтказиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

илмий-наслчилик тажриба станцияларида юқори наслдор элита синфига мансуб насли қўйлар отарларини илмий асосда ташкил этиш ва сунъий уруғлантириш ишларини тизимли йўлга қўйиш.

7. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Қўмитанинг буюртмаларига асосан яйловларда ер ости сув манбаларини аниқлаш ва хулоса бериш бепул амалга оширилишини таъминласин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Фуркат кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган бинонинг иккинчи ва учинчи қаватига Уюшмани бепул жойлаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

10. Қўмита икки ой муддатда:

хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қўй ва эчкининг, шунингдек, қорақўл зотли қўйларнинг ҳар бир эмбрионига Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия тақдим этиш тартибини;

бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар тўғрисидаги таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ҳамда шахсий жавобгар этиб Қўмита раиси Б.Қ. Шарипов белгилансин.

Қарорнинг ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Ганиев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ҳар ярим йил якуни бўйича ахборот киритиб борилсин.

### **Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 9 февраль,  
ПҚ-4984-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 9 февралдаги  
ПҚ-4984-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги «Чорвачиликда иктисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2841-сон қарорида:

7-банднинг иккинчи — бешинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирдаги иккинчи — тўққизинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«майда шохли моллар, шу жумладан қорақўл қўйларининг наслини қайта тиклаш, юқори маҳсулдор зот типларини яратиш ва жорий этиш бўйича қорақўлчилик субъектлари ҳамда ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, республикада қорақўл қўйларнинг элита генофондининг сақлаб қолиниши устидан мониторингни олиб бориш;

табiiй яйловларнинг ҳолатини яхшилаш, қурғоқчиликка ва иссиққа чидамли яйлов озуқабоп ўсимликлар навларини яратиш, яйловларни деградациядан чиқаришда илғор технологияларни жорий этиш ҳамда инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш;

қорақўлчилик кластерларига илмий ва инновацион ёндашувларни қўллаган ҳолда майда шохли моллар, шу жумладан қорақўл қўйларини кўпайтириш, кластер иштирокчилари ўртасида кооперация алоқаларини йўлга қўйиш, хом ашёни чуқур қайта ишлаш ва маҳсулот ишлаб чиқа-

ришни ташкиллаштириш, яйловлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳолати ёмонлашиб кетишининг олдини олиш бўйича юклатилган мажбуриятлар ижросини мониторинг қилиш ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

ички ва тармоқлараро, жумладан, майда шохли моллар, туя, йилқи ва йирик шохли молларни етиштиришга ҳамда улардан олинadиган хом ашёларни чуқур қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхоналар, шунингдек, қорақўлчилик хўжаликлари ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперацияни ривожлантириш;

соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш орқали самарали ва замонавий технологияларни жорий этишга кўмаклашиш;

жаҳон бозоридаги талаб ва таклифни инобатга олган ҳолда майда шохли моллар, туя, йилқи ва йирик шохли моллардан олинadиган хом ашёларни чуқур қайта ишлаш ва экспорт учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш;

малакали кадрлар тайёрлаш ва соҳанинг илмий салоҳиятини ошириш, шунингдек, ишлаб чиқариш, таълим ва фаннинг ўзаро интеграцияси учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш;

Уюшма аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатларда, назорат қилувчи органлар томонидан текширишлар ўтказиш жараёнида, шунингдек, судларда ишларни кўришда ҳимоя қилиш»;

б) 9-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«республика «Қорақўлчилик» уюшмаси раиси ва унинг ўринбосарлари Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ сайланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тасдиқланади. «Қорақўл» ҳудудий уюшмаларининг раҳбарлари республика «Қорақўлчилик» уюшмаси бошқарув раисининг қарорига биноан тасдиқланади;».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4254-сон қарори 3-бандининг олтинчи хатбошисидан «Қорақўлчилик» Республика уюшмаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги «Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4411-сон қарорига 2-илованинг матни\* қуйидаги таҳрирда баён этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 июндаги «Республикада қўлда тўқилган гиламчилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4759-сон қарорининг 3-бандидаги «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Пилла-

---

\* Илова матни «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

чилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–4817-сон қарорида:

а) 1-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банддаги «Қўмита ҳудудий бошқармалари» ва «Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 5-банднинг учинчи хатбошисидаги «Қорақалпоғистон Республикаси пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси раиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3-илованинг номланиши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Қорақалпоғистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш бошқармаларининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ».**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**61** Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини  
янада ривожлантиришга инвестицияларни жалб  
қилиш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Республикада рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодиёт тармоқларида инновацион технологиялардан кенг фойдаланишни рағбатлантириш, шунингдек, «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

## 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва «МегаФон» очик акциядорлик жамияти (Россия Федерацияси) (кейинги ўринларда — «МегаФон» ОАЖ) ўртасида «Digital Holding» қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида Ҳадли шартнома имзоланганлиги;

«МегаФон» ОАЖ ва «ЮЭСЭМ Телеком» масъулияти чекланган жамияти томонидан Россия Федерациясида масъулияти чекланган жамият шаклида «Диджитал Инвест» корхонаси (кейинги ўринларда — «Диджитал Инвест» МЧЖ) таъсис этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда «Диджитал Инвест» МЧЖ ўртасида имзоланган Ўзбекистон Республикасида ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар соҳасидаги лойиҳага доир қуйидагиларни назарда тутувчи Инвестиция шартномаси (кейинги ўринларда — Инвестиция шартномаси) тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида масъулияти чекланган жамият шаклида «Digital Holding» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг (кейинги ўринларда — «Digital Holding» ҚК МЧЖ) фаолиятини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги «Digital Holding» ҚК МЧЖ устав фондида (капиталида) 49 фоиз миқдоридаги улуш билан ва «Диджитал Инвест» МЧЖ (Россия Федерацияси) 51 фоиз миқдоридаги улуш билан иштирок этиши;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан «Digital Holding» МЧЖ устав фондига (капиталига) киритиладиган ҳисса сифатида «COSCOM» МЧЖ устав фондидаги (капиталидаги) 100 фоиз миқдоридаги давлат улушининг ўтказилиши;

«Диджитал Инвест» МЧЖнинг «CRPT Turon» МЧЖ ва «ICS Holding Uzbekistan» МЧЖ устав фондидаги (капиталидаги) 100 фоиз миқдоридаги улушларини, шунингдек, 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини (ёки ушбу пул миқдорининг бошқа чет эл валютасидаги эквивалентини) «Диджитал Инвест» МЧЖ қўшган ҳисса сифатида «Digital Holding» ҚК МЧЖ устав фондига (капиталига) ўтказиш.

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 февралда эълон қилинган.

3. Қуйидагилар «Digital Holding» ҚК МЧЖнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

молия-техника сектори ва электрон тижорат соҳасида инновацион ва технологик фаолликни ривожлантириш учун инновацион платформаларни татбиқ қилишда, шунингдек, республикада ахборотлаштириш сектори самарадорлигини ошириш ва замонавий телекоммуникация технологияларини жорий этишда маслаҳат ёрдамини кўрсатиш;

халқаро стандартларга мувофиқ рақамлаштириш жараёнларини тезлаштириш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун юқори технологик телекоммуникация инфратузилмасини шакллантиришга ҳисса қўшиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва уларни тақдим этиш сифатини ошириш мақсадида мавжуд телекоммуникация инфратузилмасини такомиллаштириш ва янги телекоммуникация инфратузилмасини яратиш;

маҳсулотларнинг айрим турларини маркировка қилиш ва уларнинг ҳаракатини назорат қилиш (кузатиб бориш) тизимини яратишда иштирок этиш;

маҳаллий ва халқаро товар айланмаси ривожини рағбатлантириш учун молия-тўлов хизматлари ҳамда содиқлик маркетинг хизматларининг замонавий юқори технологик тизимини яратиш;

аҳолига кенг турдаги товарларни етказиб беришни, шу жумладан, тўловларни қабул қилувчи серхаражат тармоқлар қуриш заруратини истисно этган ҳолда, товарларни онлайн харид имкониятларини соддалаштириш учун электрон тижорат (рақамли маркетплейс) механизминини жорий этиш;

илғор технологияларни жорий этиш ва, шу жумладан ахборот хавфсизлиги, бизнесни қўллаб-қувватлаш тизимлари ва маълумотларни сақлаш соҳаларидаги, шунингдек, комплекс интеграциялашнинг замонавий тизимларидан фойдаланишга кўмаклашиш (хўжалик шартномалари асосида).

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) «Digital Holding» ҚК МЧЖ унинг ягона муассиси сифатида «Диджитал Инвест» МЧЖ (Россия Федерацияси) томонидан таъсис этилиши ва кўрсатилган ном билан рўйхатдан ўтказилиши ҳамда «ICS Holding Uzbekistan» МЧЖ унинг ягона муассиси сифатида «ЮэСэМ Телеком» (Россия Федерацияси) масъулияти чекланган жамият томонидан таъсис этилиши ва кўрсатилган ном билан рўйхатдан ўтказилиши мумкин;

б) «Диджитал Инвест» МЧЖ ва «Digital Holding» ҚК МЧЖ (шу жумладан, «Диджитал Инвест» МЧЖнинг солиқ агенти сифатида) Инвестиция шартномасининг амал қилиш муддати давомида қуйидаги тўловлардан озод қилинади:

«COSCOM» МЧЖ, «CRPT Turon» МЧЖ, «ICS Holding Uzbekistan» МЧЖ ва «Digital Holding» ҚК МЧЖнинг бошқа шўъба корхоналари фойдасини тақсимлашда ва дивидендларни тўлаш жараёнида тўлов манбаида юзага келадиган дивидендлар кўринишидаги даромадлардан келиб чиқадиган фойда солиғидан (бунда, чет эл инвесторига фойдани репатриация қилиш ҳолатида тўлов манбаида юзага келадиган дивидендлар кўринишидаги даромадлар-

дан келиб чиқадиган фойда солиғи бўйича белгиланган солиқ мажбуриятлари тўлиқ коплаб берилди);

«Digital Holding» ҚК МЧЖнинг устав фондига (капиталига) ҳисса қўшиш жараёнида, шу жумладан «Digital Holding» ҚК МЧЖни ташкил этиш пайтидаги унинг устав фондини (капиталини) шакллантириш жараёнида, шунингдек, «Digital Holding» ҚК МЧЖ устав фондининг (капиталининг) келгусида кўпайтирилиши жараёнида юзага келадиган ёки ҳисобланган солиқларнинг барча турларидан (устав фондининг (капиталининг) бундай кўпайтирилиши «Digital Holding» ҚК МЧЖнинг тақсимланмаган фойдаси, шу жумладан шўъба корхоналардан дивиденд кўринишида олинган фойда ҳисобига амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно);

в) «COSCOM» МЧЖнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги олдидаги қарзи, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 299-моддасини татбиқ этиш мақсадида пул маблағларидан текин фойдаланиш ҳуқуқи деб тан олинмайди ва «COSCOM» МЧЖнинг солиқ солинадиган даромадлари шаклланишига олиб келмайди;

г) телекоммуникация соҳасида лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тартиби доирасида қўйиладиган талаблар ва шартлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритадиган барча уяли алоқа операторлари учун ягона ва бир хилдир;

д) «Digital Holding» ҚК МЧЖ ва унинг шўъба корхоналарининг устав фондидаги (капиталидаги) давлат улуши 50 фоиздан кам эканлигини ҳисобга олган ҳолда, харид қилиш тартиб-таомиллари улар томонидан ички корпоратив қоидаларга мувофиқ тўғридан-тўғри музокаралар асосида тендер (танлов) савдоларини ўтказмасдан амалга оширилади.

Харид қилиш тартиб-таомилларига оид қонунчиликда келгусида ўзгариш юз берган тақдирда, «Digital Holding» МЧЖ ва унинг шўъба корхоналарига харид қилиш тартиб-таомилларини ички корпоратив қоидаларга мувофиқ амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

5. Қўйидагиларга:

«COSCOM» МЧЖ устав фондидаги (капиталидаги) 201,4 миллион доллар миқдоридagi тўлиқ давлат улушини «Digital Holding» МЧЖ устав фондига (капиталига) Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳиссаси сифатида ўтказиш йўли билан беришга (беғоналаштиришга);

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тўғридан-тўғри музокаралар асосида «Digital Holding» МЧЖ ва унинг шўъба корхоналари билан тендер (танлов) савдоларисиз шартнома ва келишувлар тузишга рухсат берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «CRPT Turon» МЧЖ ва «ICS Holding Uzbekistan» МЧЖга Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркиннинг резиденти мақоми берилишини таъминласин ва шунга мос равишда уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 30 июнда-

ги ПФ–5099-сон Фармони билан ушбу қарор қабул қилинган кун ҳолатига тақдим этилган солиқ имтиёзлари таъсири, башарти ушбу имтиёзлар улар томонидан учинчи шахсларга технологик ускуналар, аппарат тизимлари ва эҳтиёт қисмларни етказиб беришдан олинадиган даромадларга тааллуқли бўлмаса қўлланилсин.

7. «Digital Holding» ҚК МЧЖнинг таъсисчилари Инвестиция шартномасига мувофиқ «Digital Holding» ҚК МЧЖнинг устав фондига (капиталига) ўтказилаётган активларга ва бошқа мол-мулкка эгалик ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишда «Digital Holding» ҚК МЧЖга ёрдам кўрсатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш агентлиги «Digital Holding» МЧЖ билан биргаликда:

улушлари «Digital Holding» МЧЖга ўтказилган хўжалик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва шаффофлигини таъминлаш, хорижий технологик шериклар ва инвесторларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда юқори даромадлилик ва капитализация ўсишига эришиш;

давлат иштирокидаги корхоналарни босқичма-босқич ички ва ташқи бозорда рақобатлаша оладиган самарали корхоналарга айлантириш чораларини кўрсин.

9. «Digital Holding» МЧЖга ва унинг шўъба корхоналарига Инвестиция шартномасининг амал қилиш муддати давомида қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

ўзига тегишли бўлган ер усти станциясини яратиш ва ҳар бир ҳолатда «Digital Holding» МЧЖ ва унинг шўъба корхоналари томонидан йўлдош алоқаси провайдерларини мустақил танлаш имконияти билан, телекоммуникация тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш бўйича зарур шартларга риоя қилган ҳолда, йўлдош алоқа каналларидан ўз тижорат эҳтиёжлари учун бошқа операторлар ва телекоммуникация провайдерларига хизматлар кўрсатиш ҳуқуқисиз фойдаланиш;

телекоммуникация объектлари ва иншоотлари бўйича қурилиш-монтаж ишларини лойиҳалаштириш билан бир вақтда амалга ошириш;

радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни фойдаланишга қабул қилиш ҳамда телекоммуникация воситалари ва иншоотларидан фойдаланиш учун рухсатномаларни олиш далолатномаларини параллел равишда расмийлаштирган ҳолда алоқа хизматларини кўрсатиш;

телекоммуникация объектлари ва иншоотларини қуриш (жойлаштириш) мақсадида ваколатли органлардан аукцион савдоларини ўтказмасдан доимий фойдаланиш учун ер участкаларини олиш;

мавжуд телекоммуникация воситалари ва иншоотларини кенгайтириш ва янги телекоммуникация воситалари ва иншоотларини қуриш мақсадида устав фондига (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг инфратузилмасидан, шу жумладан барча фойдаланувчилар учун тенг шартларда тузиладиган хўжалик шартномалари асосида уларнинг биноларидан ва биноларнинг қисмларидан, бинолар-

нинг конструктив элементлари ва уларнинг қисмларидан, антенна-мачта иншоотларидан ва алоқа каналларидан ҳақ эвазига фойдаланиш имкониятига эга бўлиш.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг уяли алоқа операторлари учун уяли алоқа хизматларига солинадиган акциз солиғи ставкаси 2022 йил 1 январдан 10 фоиз этиб белгиланиши ва 2023 йил 1 январдан бошлаб уяли алоқа хизматларига акциз солиғи солинмаслиги тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

11. «Ўзбектелеком» АКга қўйидагилар тавсия этилсин:

«COSCOM» МЧЖ томонидан «Ўзбектелеком» АК алоқа каналларидан фойдаланган ҳолда «МегаФон» ОАЖдан бошқа операторларга ва телекоммуникация провайдерларига хизмат кўрсатиш ҳуқуқи берилмаган ҳолда ва фақат ўз тижорат эҳтиёжлари учун ташқи (халқаро) Интернет каналларини сотиб олишни назарда тутувчи ташқи (халқаро) Интернет каналларини сотиб олиш тўғрисида «МегаФон» ОАЖ ва «COSCOM» МЧЖ билан уч томонлама шартнома тузиш;

«COSCOM» МЧЖ билан амалдаги барча қисқа муддатли шартномаларни фақат томонларнинг ўзаро келишуви асосида бекор қилиш шартини назарда тутган ҳолда 5 йиллик муддатни кўзлайдиган узоқ муддатга қайта тузиш.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги вазирликлар ва идоралар билан бирга икки ой муддатда:

аҳоли пунктлари ташқарисида оптик толали алоқа линияларини қуриш имкониятларини кенгайтиришни назарда тутувчи телекоммуникациялар соҳасидаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 10 февраль,  
ПҚ-4986-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**62 Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида\*****[Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиши кўп жиҳатдан устувор соҳаларни, жумладан кимё, биокимё, газ ва нефть-кимё саноати (кейинги ўринларда — кимё саноати) тараққиётига бевосита боғлиқдир.

Сўнги йилларда соҳада яратилган пойдевор кимё саноати салоҳиятини яқин 3 — 5 йил давомида барқарор ўсиш динамикасини таъминлай олади. Бироқ, кимё саноатининг барча йўналишларини узоқ муддатли барқарор ривожланишига мустақкам замин яратиш учун соҳани трансформация қилиш жараёнларини, энг илғор хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда жадаллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг янги шароитида кимё саноатини ривожлантиришнинг стратегик қайта шакллантирилиши мақсадида:

1. Кимё саноатини трансформация қилишнинг қуйидаги узоқ муддатли асосий муҳим йўналишлари белгилансин:

технологик трансформация — маҳаллий хом ашёдан ярим тайёр маҳсулотларни, шу жумладан органик синтез ва нанотехнологиялар орқали ишлаб чиқаришнинг янги қувватлари негизида хом ашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган кўп поғонали қўшилган қиймат занжирларини яратиш. Бунда, қайта ишланмаган хом ашё (табiiй газ, саноат тузлари, пахта целлюлозаси, сирка кислотаси ва бошқалар) ресурсларини мамлакат ҳудудида чуқур қайта ишлашни ташкил этиш орқали уларни хом ашё сифатида экспорт қилинишини босқичма-босқич қисқартириш;

хўжалик муносабатлари тизимини трансформация қилиш — биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар билан кимё саноати корхоналари ўртасидаги муносабатлар соҳасида давлат томонидан аралашувга чек қўйиш ва эскича режа-тақсимлаш тизимидан батамом воз кечиш;

мулкий муносабатлар тизимини трансформация қилиш — соҳада янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишга хусусий капитални, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали кимё корхоналарида давлат улушини кескин камайтириш ва кимё саноати корхоналарини хусусийлаштириш, шунингдек, корхоналар фаолиятига давлат ҳокимияти органлари аралашувининг олдини олиш;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 13 февралда эълон қилинган.

рақамли трансформация — молиявий, моддий ва кадрларга оид ресурслар ҳаракатини бошқариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни маркировкалаш, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш тизимларини жорий этиш учун соҳага замонавий дастурий таъминот тизимларини татбиқ этиш;

илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги муносабатлар трансформацияси — инновация жараёнларини ташкил этиш, замонавий технологияларни трансфер қилиш бўйича илғор хорижий тажрибалар асосида фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги тизимини йўлга қўйиш;

кадрлар тайёрлаш тизимининг трансформацияси — соҳада кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, мавжуд ва янги барпо этиладиган ишлаб чиқариш қувватларини юқори малакали маҳаллий ва хорижий мутахассислар билан таъминлаш.

2. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» АЖ билан биргаликда 2021 йил 1 июнга қадар Халқаро молия корпорацияси ва консультантларнинг тавсиялари асосида кимё саноатидаги ислохотларнинг ўз вақтида мувофиқлаштирилишини, замонавий корпоратив бошқарув тизимлари, жумладан ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқариш жараёнлари ва тайёр маҳсулотни сотишнинг барча босқичларида жорий этишни таъминлашни назарда тутувчи «Кимё саноатида ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси»ни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. 2021 йилдан бошлаб, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишда асосан хусусий, шу жумладан хорижий инвесторлар ва технологик шерикларни жалб қилишни назарда тутувчи «Кимё ва газ-кимё саноатида технологик кластерларни яратиш бўйича очиқ ҳамкорлик дастури» (кейинги ўринларда — Дастур) жорий этилсин. Бунда:

янги ишлаб чиқариш қувватларини (лойиҳаларини) кластерларнинг таркибида йирик технологик мажмуаларга туташ ҳудудларда ёки бўш майдонларда тендер (танлов)лар асосида жойлаштириш;

юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватларини кимёвий хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар негизида яратиш инobatга олинсин.

Белгилансинки, Дастурга қўйидаги технологик кластерлар киритилади:

«Навоийазот» АЖ, «Қўнғирот сода заводи» МЧЖ, Устюрт ва Шўртан газ-кимё мажмуалари ҳамда синтетик суюқ ёқилғини ишлаб чиқариш заводининг ишлаб чиқариш ва унга туташ ҳудудлари;

трансформация ва хусусийлаштириш жараёнлари тугагандан сўнг, жамиятларнинг ваколатли бошқарув органлари қарорлари асосида «Фарғонаазот» АЖ ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг ишлаб чиқариш ва унга туташ ҳудудлари.

4. Кимё саноатини янада ривожлантириш, углеводородлар ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш орқали соҳани диверсификация қилиш, янги ишлаб чиқариш объектларини яратиш ҳамда ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлган маҳсулот турларини кенгайтириш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида:

Ўзбекистон Республикасининг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига киритилган ва амалга ошириш муддатлари жадаллаштириладиган инвестиция лойиҳаларининг рўйхати 1-иловага\* мувофиқ;

умумий қиймати 1 176 млн АҚШ долларга тенг, шундан 700 млн АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан молиялаштириладиган 2021 — 2025 йилларда кимё корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, мавжуд хом ашё базасидан самарали фойдаланиш орқали юқори қўшимча қийматга эга бўлган кимёвий маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган 16 та янги инвестиция лойиҳалари рўйхати 2-иловага\* мувофиқ;

кимё саноатида ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, мавжуд хом ашё базасидан самарали фойдаланган ҳолда юқори қўшимча қийматга эга бўлган экспортбоп, импорт ўрнини босувчи кимёвий маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

5. «Ўзкимёсаноат» АЖ:

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда Дастурга кириштириш учун янги лойиҳалар ва таклифлар тайёрлаш ишларини тизимли асосда ташкил этсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар йили 1 ноябрга қадар Дастурга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш учун салоҳиятли инвесторлар ва ҳамкорларни танлаш бўйича очиқ танлов тайёрланиши ва ўтказилишини, шунингдек, Дастур доирасида жойлаштириладиган янги лойиҳалар бўйича таклифлар берилишини таъминласин.

Шундай тартиб белгилансинки, унга мувофиқ маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва тармоқлараро кооперацияни ташкиллаштириш, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни назарда тутувчи хусусий ва хорижий инвесторлар иштирокида амалга ошириладиган лойиҳаларга устуворлик берилди.

6. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» АЖ манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 ноябрга қадар Халқаро молия корпорацияси ва консултантларнинг тавсиялари асосида республиканинг хом ашё ресурслари салоҳияти ва инфратузилмасини ривожлантириш эҳтиёжлари билан узвий боғлаган ҳолда, 2035 йилгача кимё ва газ-кимё саноатини

---

\* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

стратегик ривожлантиришнинг мақсадли дастурини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Мазкур дастурни ишлаб чиқишда кластерлар (технологик занжирлар) тамойили бўйича базавий ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг янги қувватларини асосан хом ашёни қазиб олиш ва (ёки) дастлабки ишлов бериш корхоналари атрофида барпо этиш ва жойлаштириш назарда тутилсин. Бунда, якуний тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш қувватлари, инвесторларнинг ташаббус-истакларидан келиб чиққан ҳолда, республиканинг исталган ҳудудидида ташкил этилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилсин.

7. «Ўзкимёсаноат» АЖ, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги:

бир ой муддатда Кимё саноати учун инновацион кимёвий илмий-ишлаб чиқариш ва таълим кластерини ташкил этиш (кейинги ўринларда — илмий кластер) концепциясини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

халқаро экспертлар ва компанияларни, истисно тариқасида, тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш асосида жалб қилган ҳолда, 2021 йил 1 сентябрга қадар, босқичма-босқич, илмий кластернинг моддий-техник базасини (академик бинолар, лаборатория иншоотлари, талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун турар-жойлар, зарур материаллар, асбоб-ускуналар ва инвентарлар) барпо этиш бўйича лойиҳавий ечимларни, шунингдек, таълим йўналишлари ва ўқув дастурларини кимё саноатини узоқ муддатли ривожлантиришнинг илғор халқаро тенденциялари билан узвий боғлиқликда ишлаб чиқсин.

8. Илмий кластерни ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — ишчи гуруҳ) таркиби 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳга қуйидаги асосий вазифалар юклатилсин:

лойиҳавий таклифларни ва илмий кластер ҳудудидида қуриладиган объектлар, шу жумладан муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари рўйхатини кўриб чиқиб, унинг молиялаштириш манбаларини аниқлаш;

объектларда қурилиш жараёнларини назорат қилиш ва юзага келадиган масалаларни тезкор ҳал этиш;

қурилишнинг ўз вақтида молиялаштирилиши ва ажратилган маблағлардан самарали фойдаланилишини таъминлаш устидан назоратни ташкил этиш.

9. Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси Халқаро молия корпорациясини жалб қилган ҳолда уч ой муддатда «Фарғонаазот» АЖ устав капиталидаги давлат ва «Ўзкимёсаноат» АЖнинг йирик улушини ҳамда «Дехқонобод калий заводи» АЖ устав капиталидаги «Ўзкимёсаноат» АЖнинг йирик улушини 2021 йил 1 ноябрга қадар савдога чиқариш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланишини таъминласин.

15. «Ўзкимёсаноат» АЖ Ахборот технологиялари ва коммуникацияла-

---

\* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2024 йилга қадар, босқичма-босқич, «Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналарида ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларини, молиявий, хўжалик ва ташкилий фаолиятни бошқариш ва мониторинг қилиш, ишлаб чиқарилган товарларни сотиш, етказиб бериш ва улардан фойдаланишни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этсин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Ўзкимёсаноат» АЖ талабига кўра, кимё саноати корхоналарининг юқори тезликдаги маълумот узатиш тармоқларига уланишини таъминласин.

16. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг Президенти маслаҳатчиси ўринбосари Г.К. Саидова — кимё саноатида трансформация жараёнларини босқичма-босқич амалга оширишни ҳамда бу борада муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишни самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштиришга;

молия вазирининг биринчи ўринбосари О.З. Насритдинхожаев — кимё саноати корхоналарини трансформация қилиш дастури, операцион самарадорлик ва замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларни молиявий соғломлаштириш ҳамда минерал ўғитларни сотишда бозор механизмларини кенг жорий этишга;

иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг ўринбосари Б.К. Абдиназаров — республиканинг хом ашё ресурслари салоҳияти ва инфратузилмани ривожлантириш эҳтиёжлари билан узвий боғлаган ҳолда, 2035 йилгача кимё ва газ-кимё саноатини стратегик ривожлантиришнинг мақсадли дастурини ишлаб чиқиш ва унинг амалга оширилишини мувофиқлаштиришга;

инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Ш.А. Вафаев — кимё ва газ-кимё саноатини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқиладиган, биринчи навбатда, амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида салоҳиятли инвесторларни ва тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этишга;

«Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раиси Ж.Т. Мирзамаҳмудов — кимё саноатини модернизация ва диверсификация қилиш, базавий ярим тайёр ва юқори қўшилган қийматга эга кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали соҳанинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва импорт ҳажмини кескин қисқартириш, тармоқ корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини оширишга шахсан масъул ва жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

18. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раиси Ж.Т. Мирзамаҳмудов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул

идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 13 февраль,  
ПҚ-4992-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 13 февралдаги  
ПҚ-4992-сон қарорига  
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги «Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида ҳар томонлама стратегик ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2982-сон қарорига 1-илованинг 59-позицияси чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 августдаги «Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3246-сон қарорига:

а) 2-банднинг бешинчи хатбошиси «материаллар» сўзидан кейин «товарлар, хизматлар» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 8-бандда:

бешинчи хатбошидан «банкнинг уч иш куни давомида,» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Зарурат туғилганда, «Ўзкимёимпэкс» МЧЖнинг банк ҳисобварағида жамғариб борилган валюта маблағлари, тузилган импорт шартномаларига тўлов сифатида ҳамда «Ўзкимёсаноат» АЖ ташкилотлари томонидан олинган кредитларни сўндиришга йўналтирилиши мумкин»;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишинча еттинчи ва саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбоши «материалларни» сўзидан кейин «товарларни, хизматларни» сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 10-банднинг учинчи хатбошиси «материалларни» сўзидан кейин «товарларни, хизматларни» сўзлари билан тўлдирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3406-сон қарорига 2-илованинг 3 ва 5-позициялари чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги икки томонлама стратегик ҳамкорлик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3997-сон қарорига 3-илованинг 36-позицияси чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4145-сон қарорига 3-илованинг рус тилидаги матнида:

21 — 25-позициялар чиқариб ташлансин;

26-позициянинг «Наименование документа» устунисидаги «удобрений и меламина» сўзлари «сложных удобрений» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4256-сон қарорига 3-илованинг 5-позицияси чиқариб ташлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4265-сон қарорига:

а) 3-бандда:

«б» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

«д» кичик бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 1-илованинг 5 — 8, 11, 14, 18, 21, 24 — 28 ва 30-31-позициялари чиқариб ташлансин;

в) 2-илованинг 9 ва 11-позициялари чиқариб ташлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4301-сон қарорига 3-илованинг 3 — 5-позициялари ҳамда 4-илованинг 7-позицияси чиқариб ташлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 майдаги «Хитой Халқ Республикасига олий даражадаги ташриф давомида эришилган келишувларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4308-сон қарорига 2-илованинг 9, 16 ва 18-позициялари чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4553-сон қарорига 3-илованинг 5, 10, 12 — 14-позициялари чиқариб ташлансин.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БЎЙРУҒИ**

**63** «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик коллежлари ўқувчилари томонидан ўқув ва малакавий амалиётни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 9 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3116-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 677-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 9 январдаги 8-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик коллежлари ўқувчилари томонидан ўқув ва малакавий амалиётни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 3116, 2019 йил 9 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2019 й., 10/19/3116/2444-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 9 февраль,  
1-мх-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2021 йил 9 февралдаги  
1-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик коллежлари ўқувчилари томонидан ўқув ва малакавий амалиётни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқда:

- а) номи ва 1-банддаги «коллежлари» ва «ўқув» деган сўзлар тегишлича «техникумлари» ва «таништирув» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- б) муқаддимадаги «коллежларида» деган сўз «техникумларида» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

- а) номидаги «коллежлари» ва «ўқув» деган сўзлар тегишлича «техникумлари» ва «таништирув» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- б) муқаддима қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 октябрдаги 858-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумларида ўқишни ташкил қилиш чоралари тўғрисида»ги ва 2020 йил 30 октябрдаги 677-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари фаолиятини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумлари (кейинги ўринларда юридик техникумлар деб юритилади) ўқувчилари томонидан таништирув ва малакавий амалиётни ташкил этиш ва ўташ тартибини белгилайди.»;

- в) 1-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**қабул қилувчи ташкилот** — ўқувчилар томонидан амалиёт ўталаётган давлат ва хўжалик бошқаруви органи, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган, адвокатлик тузилмаси, молия-банк ва бошқа муассасалар ҳамда уларнинг юридик хизмати;

**амалиёт** — назарий таълим бериш жараёнида ўқувчилар томонидан олинган билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, олинадиган мутахассислик бўйича зарур лаёқатга, кўникмаларга ва амалий иш тажрибасига эга бўлиш учун ўтказиладиган ўқув жараёнининг таркибий қисми;

**таништирув амалиёти** — юридик техникумларнинг биринчи курс ўқувчилари томонидан келажакдаги касбий фаолият ҳақида бошланғич маълумотларни олиш ва эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш, тан-

ланган мутахассислик бўйича амалий касб лаёқати ва кўникмаларини эгаллаш мақсадида ўталадиган амалиёт тури;

**малакавий амалиёт** — юридик техникумларни битирувчи курс ўқувчиларини ўқитишнинг якунловчи босқичи ҳисобланади ва уларнинг бошланғич касб тажрибасига ҳамда малакага эга бўлиши, ўқувчиларнинг мустақил равишдаги меҳнат фаолиятига касб бўйича тайёрлигини текшириш, махсус фанларни ўрганишда олинган билимларни мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, тизимлаштириш мақсадида ўтказиладиган амалиёт тури;

**техникумдан амалиёт раҳбари** — ўқув юкламасига амалиёт киритилган юридик техникум педагог ходими;

**қабул қилувчи ташкилотдан амалиёт раҳбари** — ўқувчиларни амалий кўникмаларга ўргатиш масъулияти юкланган қабул қилувчи ташкилот ходими;

**амалиётни ўташ дастури** — ўқув режаларини ҳисобга олган ҳолда юридик техникумлар томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган дастур.»;

г) 3-банддаги «дастурида» деган сўз «режасида» деган сўз билан алмаштирилсин;

д) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин;

«4. Таништирув амалиёти ўқувчиларнинг умумқасбий ва махсус фанларни чуқур ўзлаштиришлари, танлаган мутахассисликлари бўйича дастлабки малака ва кўникмаларни эгаллашлари учун ўтказилади.

Таништирув амалиёти биринчи курс якунидан сўнг ёки ўқув йили мобайнида ўтказилади, алоҳида ҳолларда эса ўқув режада кўрсатилиб, ўқиш билан бир вақтда узвий ташкил этилиши мумкин.»;

е) 5-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Малакавий амалиёт юридик техникумнинг иккинчи курс ўқувчилари учун 4-семестр давомида ёки ўқув йили мобайнида ўтказилади.

Юридик техникум томонидан амалиёт ўташ жойи тегишли ташкилотлар билан тузилган ҳамкорлик шартномаси ёки танланган мутахассислик бўйича ташкилотларнинг келишув хатларига мувофиқ келгусида ўқувчилар ишга жойлаша оладиган корхона, муассаса ва ташкилотлардан бири танланади.»;

ж) 11-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 21-банд ва 27-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 30-банднинг иккинчи хатбошисидаги «коллеж» деган сўз «техникум» деган сўз билан алмаштирилсин;

з) 13-банддаги «коллеж» ва «коллежда» деган сўзлар тегишлича «техникум» ва «техникумда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 15-банднинг иккинчи ва бешинчи хатбошиларидаги, 24-банддаги, 26-банднинг ўнинчи ва ўн биринчи хатбошиларидаги «коллеждан» деган сўз «техникумдан» деган сўз билан алмаштирилсин;

к) 16-банд ва 23-банднинг биринчи хатбошисидаги «коллеждаги» деган сўз «техникумдаги» деган сўз билан алмаштирилсин;

л) 17-банддаги «коллежда» деган сўз «техникумда» деган сўз билан алмаштирилсин;

м) 20-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Амалиётни ташкил этиш учун, қоида тариқасида, амалиёт бошланишидан бир ой олдин юридик техникум директори томонидан буйруқ қабул қилинади. Буйруқда амалиёт тури, муддати ва уни ўташ жойи, моддий таъминот, юридик техникумдан амалиёт раҳбарларини турар жой билан таъминлаш, масъул шахслар ва жўнатилаётган ўқувчилар, юридик техникумдан амалиёт раҳбарлари таркибининг рўйхати белгиланади.»;

н) 22-банддаги «коллежнинг» деган сўз «техникумнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

о) 25-банднинг иккинчи хатбошисидаги «коллежлар» деган сўз «техникумлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

п) 31-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Юридик техникумдан амалиёт раҳбарларининг юридик техникум жойлашган жойдан амалиётни ўташ жойигача бориш билан боғлиқ бўлган хизмат сафарлари харажатлари, шу жумладан яшаш ва суткалик харажатлар, ўрнатилган тартибда юридик техникумнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.».

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган.

*Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири*

*И. МАДЖИДОВ*

*2021 йил 9 январь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**64** 2021 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари  
тини тасдиқлаш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
11 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3286*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 690-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. 2021 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари 1 — 109-иловаларга\*\* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**Б. БЕГАЛОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 9 февраль,  
6-мб-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 11 февралда эълон қилинган.

\*\* 1 — 109-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**65** «2020 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 11 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3193-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 690-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 2 октябрдаги 10-мб-сон «2020 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3193, 2019 йил 4 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.11.2019 й., 10/19/3193/3993-сон);

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 24 апрелдаги 3-мб-сон «2020 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3193-1, 2020 йил 15 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2020 й., 10/20/3193-1/0627-сон).

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**Б. БЕГАЛОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 9 февраль,  
5-мб-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 11 февралда эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги**  
**маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 9 февралдаги 1-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик коллежалари ўқувчилари томонидан ўқув ва малакавий амалиётни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2021 йил 9 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3116-1.***

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2021 йил 9 февралдаги 6-мб-сон «2021 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

***2021 йил 11 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3286.***

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2021 йил 9 февралдаги 5-мб-сон «2020 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2021 йил 11 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3193-2.***

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг «2020 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3193, 2019 йил 4 ноябрь), шунингдек, унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 3193-1, 2020 йил 15 май).

***2021 йил 11 февралда давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

